АВГУСТ—ҲОСИЛ ТЎПЛАШ ОЙИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши

№ 178 (13.134).

1965 АВГУСТ 1 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ҒАЛЛА ФРОНТИДА

ЗАФАР

Қаттақўрғон районидаги «Қаттақўрғон» совхозининг азамат ғаллакорлари давлатга 2 минг 100 тонна ғалла топшириб, дон сотиш планини районда биринчи бўлиб бажардилар. Хўжаликнинг Т. Хонқулов, Н. Холбеков ўртоқлар бошлиқ бўлимлари ғаллакорлари гектаридан 8-10 центнердангача дон йиғиштириб олишиб, улкан зафарни қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшдилар. Моҳир механизаторлардан Ғозиев ва Сафаров ўртоқларнинг ҳар бири 1000-1200 гектардан майдондаги ғаллани ўриб берди.

Фидокор ғаллакорлар давлатга планга қўшимча равишда 1000 тонна ғалла сотишга аҳд қилдилар. Кенг ғаллазорларда 34 комбайн тинимсиз гуруллямоқда.

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАЙЛИК!

Ёзнинг охирги ойи — август кирди. Ардоқ облаб ўстирган ғўзаларимиз вояга етган. У чаман-чаман гулга бурканмоқда, шода-шода кўсак тугмоқда. Ҳозир бутун йил бўйи қилиб келинаётган фидокорона меҳнатнинг, тўкилган пешана терининг илк самараси яққол кўринадиган, мўл ҳосилга бўлган умид ва ишонч янада мустаҳкамланадиган пайт.

Ёздан бир ой қолди. Бир ойдан кейин, балки, бу йил унгача ҳам етмай, пахта теримига киришилади. Модомики, йилнинг икки фасли ўртасида, ҳосил учун курашнинг икки даври ўртасида турар эканмиз, ўзимизга бундай саволни беришимиз керак: Қандай ишлади-гу, бундан буён қандай ишлашимиз керак, шу кетишда 3 миллион 650 минг тоннали улкан хирмонга яраша ҳосилни қўлга кирита оляпмизми?

Шундай савол ҳар бир пахтакорнинг, ҳар бир раҳбар ходимнинг юрагига ғулғула солиши керак. Чунки, пахта учун курашда йилнинг паст-баланд йўлларидан ўтиб, энди чўққига интилмоқдамиз. Бу чўққи шундай юксак ва шарафли, унда етти йилликнинг якунловчи босқичи турибди. Ана шу босқични муваффақиятли эгаллаш учун бутун куч ва иродамизни ишга солиб, яна зўр ғайрат билан олга интилишимиз лозим.

Пахтакорларимизнинг кайфияти яхши, вақти чоғ. Ғўзаларнинг аҳволи, ҳосил олиши ҳақида гап кетар экан, улар ўтган йилдагидан 10-15 кун илгари илгарилаб бораётганликларини, ҳосил барвақт етилаётганлигини мамнуният билан изҳор қилишади. Дарҳақиқат, шундай сув танқислиги мардонавор енгилди, экинни озиқлантириш эрта бошланиб, асосий майдонлардаги ғўзага ўғит бериб бўлинди, культивация ҳам эрта муддатларда ўтказилмоқда. Лекин бу ютуқлар ғўза парваришининг охирги ҳал қилувчи тадбирларини изчиллик билан ўтказишга ҳеч қандай аванс бўлолмайди. Нега деганда, ғўза ўз маврудини билади. Унга то ҳосил пишиб етилгунча парвариш керак.

Миришкор деҳқон ғўзасининг кўкига маҳлиё бўлмайди. У вақт билан ҳисоблашмайди, ҳар бир туп экинда ўз саногидаги кўсак бўлмагунча тиниб-тинчимайди. Бундай деҳқонлар жуда кўп. Масалан, Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг пахтакорларини олайлик. Бу хўжаликда ғўза энига ҳам, бўйига ҳам ростмана етилган, кун сайин кўсакка-кўсак қўшилянти, қатор оралари юмшоқ, бегона ўт йўқ, олди звеноларда ҳозиргинг ўзидаёқ 25-30 центнерли кўсак бор. Лекин машъал хўжаликда дала ишлари сира бўшаштирилгани йўқ. Тўсиқ ўрнатилган тракторлар қатор ораларида гуриллаб юриб турибди. Ғўзани ўғитлаш тамом бўлди, деб қараб турмасдан «шарбат» оқизишга зўр берилмоқда. Совхозда бир маҳалнинг ўзида икки иш бажарилаётирки, бу айни пайтда муҳим аҳамиятга эгадир. Ғўза ўсиб кетганлиги ҳисобга олиниб, тракторнинг қатор орасидан юрниш қисқартирилмоқда — культивация билан бир вақтда окучник солиб, эгат олиб кетилаётир.

Қани энди, ҳамма ерда ҳам ана шундай иш тутилаётган бўлса. Афсуски, баъзи жойларда ғўза парваришн асосиз равишда бўшаштириб юборилмоқда. Мусобақадош қардош республикаларнинг пахтакорлари ўзаро текшириш вақтида Бухоро областининг Навоий, Роминтан, Қоракўл, Қашқадарё областининг Косон, Қарши, Қамаши, Самарқанд областининг Каттақўрғон, Хатирчи, Сирдарё областининг Гулистон, Янгиер, Жиззах, Тошкент областининг Бекобод, Бўка, Фарғона областининг Олтиариқ, Бағдод, Хоразм областининг Шовот, Гурлан, Андижон областининг Бўз, Сурхондарё областининг Термиз, Шеробод, Қорақалпоғистон АССРнинг Беруний, Хўжайли, Кегайли районларида ва республиканинг бошқа районларидаги бир қатор колхоз ва совхозларда анчагина паст ғўзалар борлигини, далалар бегона ўтдан тоза эмаслигини, ишчи кучлари ва техникадан қониқарсиз фойдаланилаётганлигини кўрсатиб берган эдилар. Мана шу жойларда ҳосил учун ҳамон жон қуйдирилмаётир, мусобақадошлар маслаҳати асосида камчиликларни тузатиш ўрнига дала ишлари сусайтириб юборилмоқда.

Бу ҳолга нима деб баҳо бериш мумкин. Тўғридан-тўғри айтиш керакки, ана шу жойлардаги партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари ғанимат вақтнинг қадрига етмаётирлар. Ниҳоят, улар бутун йил давомида қилиб келинаётган меҳнатнинг маҳсулини қўлдан беріб қўяётирлар.

Август ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи. Бу давр пахтачилик йилининг мазмунини тарози палласига қўйиш олдидан кишини ҳаяжонга соладиган даврдир. Бу ой бутун кучларни ҳосил учун курашга аямай сарф қиладиган долзарб пайт. Марднинг марди энг сўнгги курашгача чарчамайди, толиқмайди. Асл пахтакор ҳам ҳосил тақдирини узил-кесил ҳал қилиш учун август ойида жон қуйдириб ишламоғи керак. Аслини олганда, август пахтачиликнинг энг талабчан ойларидан бири. Бу ойда бор кўсакларни етилтириш, гулларни кўсакка айлантириш, ҳосилни толиқишдан асраш керак. Шундай экан, агротехника муддати ўтиб қолди, «буёғи ўзи бўлаверади» дейиш ўта хатодир. Ғўзани қондириб суғориш, унга «шарбат» бериш — августнинг иши. Культивацияни бўшаштирмай давом эттириш билан ердаги озуқа моддани экинга кўпроқ олиб берамиз. Бу ҳам августда ҳал қилинади. Ҳозир ғўзаларда кўсакдан кўра гул кўпроқ. Ахир, буларни кўсакка айлантириш керак-ку. Шундай экан бор кўсакка кўз тикишдан кўра, бўлғуси кўсак устида бош котириш зарур. Бу ҳам август ойида далада жанговар ишлашга боғлиқдир.

Ғўза парваришини сира бўшаштирмай давом эттириш билан бирга пахта йиғим-теримига тайёргарликни қизғин олиб бориш лозим. Бу йил бир миллион тонна пахта машинада теріладя. Ғўзанинг охирги парваришини машина теримига мослаб олиб бориш, машина билан кўпроқ пахта териш учун шу кунларда мустаҳкам замин яратиш керак. Шундай қилайлики, республикамиздаги ҳамма колхоз ва совхозларда мўл ҳосил учун курош пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари билан чамбарчас боғланган ҳолда намунали олиб борилсин.

Августни ҳосилга-ҳосил қўшиш, мўл ҳосил учун курашнинг энг зарур чора-тадбирларини изчиллик билан амалга оширишда жанговар ой деб билайлик. Барча майдонларда 3 миллион 650 минг тоннали катта хирмонни тўлдирадиган мўл-кўл ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини то ҳосил йиғим-теримигача давом эттирайлик!

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР БАЙРАМИ

31 июлда Горький номли паркда Бутуниттифоқ темир йўлчилар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Пойтахт узели, темир йўл Тошкент бўлимининг илғорлари ва Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг командирлари билан бирга шаҳардаги партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари темир йўлчиларнинг традицион байрамини нишонлаш учун ёзлик театрга тўпландилар.

Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи А. М. Қодиров доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети 1965 йилнинг биринчи ярмида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан бошланган социалистик мусобақа якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Бухоро областида** қолдирилди. Бу область қорамоллар сонини икки процент, қўй ва эчкилар сонини 23 процент кўпайтирган. Ўтган йилгига нисбатан 2,2 минг тонна ёки 20 процент кўп сут соғиб олинган. Ҳар бир сигирдан 1964 йилнинг шу давридагига нисбатан 117 килограммдан кўп сут соғиб олинган. Ҳар юз бош сигирдан 64 тадан бузоқ, чўчқалардан 752 тадан чўчқа боласи, совлиқ ва эчкиларнинг ҳар юз бошидан 124 тадан қўзи ва тўқли олинган. Қорамолларнинг 99,4 проценти, қўй ва эчкиларнинг 99,5 проценти саклаб колинган. Гўшт, сут, тухум ва жун тайёрлаш ярим йиллик планлари ошириб адо этилган.

Кўчма Қизил байроқ Бухоро областининг **Навоий** районига берилди. Бу район қорамоллар сонини 9 процент, қўйлар сонини 23 процент оширган. Сут етиштириш 5 процент, гўшт 0,7 процент, тухум 79 процент, ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 132 килограмм, ҳар бир товуқдан олинган тухум 3 дона кўпайган. Ҳар юз бош сигирдан 87 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 141 тадан қўзи олинган. Қорамолларнинг 99,3 проценти, қўйларнинг 99,7 проценти, чўчқаларнинг 92,4 проценти сақлаб қолинган. Гўшт тайёрлаш плани 177,7 процент, сут 101,1 процент, тухум 130 процент, жун 107,6 процент, қоракўл тери тайёрлаш плани 141 процент бажарилган.

Байроқ Андижон областининг Янгиқўрғон районидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Қашқадарё областининг **Қарши районига** берилди. Бу район қорамоллар сонини 12,8 процент, сигирлар сонини 13 процент, қўйлар сонини 27 процент кўпайтирган. Ўтган йилдагига нисбатан 30 процент сут, 11 процент тухум кўп етиштирилган. Ҳар юз бош сигирдан 68 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 116 тадан қўзи олинган. Қорамолларнинг 99,1 проценти, қўйларнинг 99,7 проценти сақлаб қолинган. Ярим йиллик гўшт тайёрлаш плани 122 процент, сут 120 процент, тухум 121 процент, жун 104,8 процент бажарилган.

Байроқ Самарқанд районидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент областининг **4- «Чиноз» наслчилик совхозига** берилди. Бу совхоз қорамоллар сонини 3,9 процент, чўчқалар сонини 47,3 процент, қўй ва эчкилар сонини 32 процент кўпайтирган. Қорамолларнинг 99,98 проценти сақлаб қолинган. Ўтган йилдагига нисбатан 2,8 процент кўп сут етиштирилган. Ярим йиллик сут тайёрлаш планини 9,1 процент, гўшт тайёрлаш планини 9,8 процент ошириб бажарган. Беда экиш плани 121,4 процент адо этилган.

Байроқ Избоскан районидаги 8- совхоздан олиб берилади.

Пахта далаларида

Ўртоқ Х. Хўжалиев бошлиқ бригада Охунбобоев районидаги «Правда» колхозида юқори ҳосилли бригадалардан бири ҳисобланади. Аҳил коллектив бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш йўлида ғоят самарали меҳнат қилаётир.

Й. ТОШБЕКОВ.

●

Гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш Термиз районидаги Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ А. Ўтаев бошлиқ бригадаси аъзоларининг қатъий аҳди. Бригада аъзолари мажбуриятни коплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун ғўзани агротехника қоидаси асосида сифатли парваришламоқдалар.

И. ЖАББОРОВ.

●

Ўртоқ Р. Нурсаидов Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг пешқадам бригада бошлиқларидан бири. Тажрибали деҳқон бошлиқ бу бригада аъзолари 94 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Иш ҳам шунга яраша олиб борилаётир. Бешинчи комплекс парваришдан чиқарилаётган майдонлардаги ҳар туп ғўзада 6-8 тадан кўсак, кўп миқдорда гул ва шоналар сонаш мумкин.

Х. ҲАЙИТБОЕВ.

Бугун мамлакатимиз темир йўлчилари ўзларининг традицион байрамларини нишонламоқдалар.
С. НОВОМЛИНСКИЙ ишлаган фотомонтаж. (ТАСС фотохроникаси).

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ҚОН ТОМИРИ

А. ҚОДИРОВ,
Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

□ □

Бугун мамлакатимиз меҳнаткашлари Бутуниттифоқ темир йўлчилар кунини ўттизинчи марта байрам қилмоқдалар. Йиллар ўтган сари муваффақиятларимиз ҳам кўпайиб бораяпти.

Социалистик экономикамизнинг юксалиш даражасини белгилаб берувчи энг ёркин мезон — юк ташиш ҳажми беқиёс даражада ортди.

Ўрта Осиё пўлат магистрали ҳам мамлакатимиз экономикаси билан баб-баравар юксалиб бормоқда. Кейинги уч йил мобайнида магистралимизда катта техникавий янгиликлар рўй берди. Бу эса темир йўл хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлди. Асосий участкаларда, хусусан, кўп юк ортиб-туширилган участкаларда тепловозлардан фойдаланишга кўчилди. Ҳозирги вақтда тепловозлар магистралдаги локомотивларнинг қарийб 98 процентини ташкил қилмоқда. Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб, магистралимизда янги бир секцияли «ТЭП-10» маркали «Стрела» пассажир тепловозларидан фойдаланилаётир. Унинг қуввати 3000 от кучига эга, соатига 140 километр тезлик билан юра олади.

Йўл хўжалигида реконструкциялаш ишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Оғир ва узун рельслардан кенг фойдаланилмоқда. Темир-бетон шпаллар устига 600 километр, қум-шағал устига 2000 километрдан ортиқ шундай рельслар ётқизилди. Чоксиз рельслар ётқизиш йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Бир неча минг километр йўлда автомат ва ярим автомат блокировка ускуналари ўрнатилган. Бир қатор станцияларда стрелкаларни марказлаштирилган усулда бошқариш амалга оширилди.

Яқинда магистралимиздаги участкалардан бирида темир йўл транспорти учун муҳим бўлган яна бир янгилик жорий этилди. Буни мутахассислар автомат локомотив сигнализация дейишмоқда. Шу сигнализация ёрдамида тепловоз машинисти берилган сигналларни йўл четидаги светофорлар оркали эмас, балки ўз кабинасида билиш имкониятига эга бўлди. Натижада поездлар ҳаракати хавфсизлиги таъминланди, тепловозлар қувватидан самарали фойдаланиш учун янги манба очилди, вақтбевақт машина тезлигини пасайтиришга ҳожат қолмади, меҳнат унумдорлиги ортди ва иш маданияти тобора юксалиб бораяпти.

Шу каби техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларидан фойдаланиш мамлакатимизнинг транспортга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим роль ўйнамоқда. Магистралимиз ўтган йилнёқ юк обороти бўйича етти йиллик охирига мўлжалланган маррани эгаллашга муваффақ бўлди.

Кейинги етти ой мобайнида планга қўшимча равишда қарийб 3 миллион тонна халқ хўжалик юклари ортилди ва ташиб берилди. Шу жумладан, 170 минг тонна тошкўмир, 200 минг тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари, 70 минг тонна минерал ўғит, 33 минг тонна пахта толаси ва бошқа юклар планга қўшимча равишда ташилди. Темир йўлчиларимиз етти йиллик планни бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича ҳам муваффақиятли бажармоқдалар. Меҳнат унумдорлиги олти ойлик топширикда кўзда тутилганига қарагандa 7 процент ортди. Халқ хўжалиги юклари ташиш таннархини арзонлаштиришда ҳам яхши натижаларга эришилмоқда.

Юк поездларининг ўртача оғирлиги белгиланган нормага нисбатан 50 тонна ортганлиги темир йўлчиларимиз эришган энг яхши меҳнат зафарларидан биридир. Юк ва пассажир поездларининг тезлиги сурункасига ортиб бораяпти. Яқиндагина улар соатига 60 километр йўл босар эди. Ҳозир эса юк поездларининг тезлиги соатига 80 километрга етди. Пассажир поездлари эса 100 километрдан ортиқ тезлик билан ҳаракат қилаётир. Олти ойда вагонлар обороти топширикка нисбатан 1,2 соат тезлашди.

Кўп минг кишилик магистралимиз меҳнаткашлари ўз байрамларини ажойиб меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашга аҳд қилиб, етти ойлик юк ортиш планини муддатидан илгари бажардилар ва қўшимча равишда юз мингдаб тонна халқ хўжалиги юклари ортиб жўнатдилар.

Темир йўлда коммунистик меҳнат мусобақаси авж олиб кетди. Ун мингдаб темир йўлчи шу шонли ҳаракатда актив иштирок этаётир. Кўпгина бригада, смена, корхоналар келажак разведкачилари ҳаракатида ғолиб чиқди, коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга муяссар бўлдилар. Бу ҳаракат илғор усулларни жорий этиш, ўзаро ёрдам ва янги техникадан унумли фойдаланиш муобақасига айланиб кетди. Келажак разведкачилари мусобақасида Тошкент йўл дистанцияси, Тошкент тепловоз депоси, Ховос, Чоржўй станциялари, Ашхобод алоқа ва сигнализация, Термиз йўл, Қўқон бино ва иншоотлар дистанцияларининг коллективлари энг юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Когон бўлимасининг диспетчери М. Маҳтумов, Ховос станциясининг маневр диспетчери К. Назаров, Қизилтўқимачи станциясининг поезд тузувчиси М. Шамсимуҳамедов, Жиззах йўл дистанциясининг бригадири Т. Жўломонов, Когон ва Қўқон деполарининг машинистлари А. Маҳмудов, И. Макаров ўртоқлар келажак разведкачилари мусобақасининг байроқдорлари бўлиб қолдилар.

Темир йўлимиз коллективининг асосий эътибори пассажирларга маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган. Бунинг учун илғор иш усулларидан самарали фойдаланиляпти. Темир йўлчилар транспорт алоқасини яна ҳам кенгайтириш, пассажир поездларининг йўл учун сарфлайдиган вақтини камайтириш, шаҳар атрофи поездларини кўпайтириш ва пассажир поездлари жадвалини такомиллаштириш масалалари устида бош қотирмоқдалар.

Бу йил пассажирлар учун анчагина қулайликлар яратилди. Ёзги мавсумда янги поездлар қатнови йўлга қўйилди. Андижон — Томск, Тошкент — Қарағанда, Тошкент — Челябинск ва Тошкент — Оренбург маршрутлари бўйича янги пассажир поездлари қатнай бошлади. Фарғона ва Тошкент бўлинмаларида шаҳар атрофи поездлари кўпайтирилди. Қўнғирот — Москва, Душанба — Новосибирск, Тошкент — Кисловодск, Тошкент — Адлер, Тошкент — Новокузнецк маршрутлари бўйича йўлга чиқувчилар поезд алмашмасдан мўлжалланган манзилларига тўппа-тўғри етиб бориш имкониятига эга бўлдилар.

Москва, Октябрь темир йўлчилари изидан бориб, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини тағин ҳам ошириш мақсадида «Ўзбекистон» поезди қатнови ташкил қилинди. Барча қулайликларга эга бўлган бу поезд мамлакатимиз пойтахти билан Ўзбекистонни боғлайди.

Пассажир поездлари қатновининг янги жадвалида йўловчиларнинг вақтини тежашга катта эътибор берилди. Масалан, Тошкент—Душанба поезди йўлга илгаригига қараганда 6 соат кам вақт сарфлаяпти. Шунингдек, Тошкент — Қўқирот поезди 4 соат, Андижон — Москва поезди 6 соат, Тошкент — Харьков поезди 9 соат, Тошкент — Москва поезди 7 соат кам вақт сарфлаб, пассажирларни илгаригига қараганда тезроқ манзилларга етказиб бораяпти.

Ҳозир вагонлардан тағин ҳам самаралирок фойдаланиш ҳаракатидамиз. Ҳаракатдаги составлардан ҳамма ерда тўғри фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари ишга солинмоқда. Аммо, ҳамма гап сортировка ва юк станцияларининг коллективларига боғлиқдир. Чунки, бундай станцияларда вагонларнинг 60 процент вақти ўтади. Вагонлар корхоналарга кириш йўлларида ҳам кўп тўхтатиб қўйилмоқда. Мақсадимиз локомотивлар ва вагонларни станцияларда, юк ортиш ва тушириш жойларида кам тўхтатиб туриш ва йўлда кўпроқ юришини таъминлашдан иборат. Темир йўлчилар юк жўнатувчилар билан ҳамкорликда шунга эришиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Эришилган катта муваффақиятлар билан бир қаторда, ҳалигача фойдаланилмаётган резервлар ва бартараф этилмаган камчиликлар ҳам бор. Баъзи участкаларда поездлар ҳаракати хавфсизлиги ва графигини таъминлаш қоидалари бузилмоқда. Вагонларнинг бекор туришига қарши жиддий тадбирлар кўрилмаяпти. Пассажирларга хизмат кўрсатишда ҳам ҳали анчагина ишлар қилиниши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги истиқболларини белгилаб берди. Қишлоққа шаҳарликлар ёрдамини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни тез суръатлар билан кўпайтириш учун курашда темир йўлчилар ҳам актив қатнашишлари керак. Масъулиятли мавсум бошланяпти. Далаларимизда етиштирилган ғалла давлат омборларига келиб тушмоқда. Ҳадемай, уларни оммавий ташиш мавсуми бошланади. Шунингдек, 3 миллион 650 минг тоннали «оқ олтин» хирмони учун курашаётган пахтакорларимизга ҳам зарур ёрдам кўрсатишимиз керак. Ана шу масъулиятли мавсумни — ғалла ва пахта толаси ташиш кампаниясини пухта тайёргарлик билан кутиб олиш учун кураш мусобақаси кучайиб кетди.

Экономикамизнинг қон томири ҳисобланган темир йўл транспортини яна ҳам ривожлантириш пўлат магистралимиз меҳнаткашларининг эзгу ниятидир. Бу эса ўз навбатида халқ хўжалиги юклари ташиш суръатларини тезлаштиради, пассажирларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилайди.

БУГУН—БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР КУНИ

ПЎЛАТ ИЗ ЧАВАНДОЗЛАРИ

ЯНГИ УСУЛНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Поезд тузувчи станцияда марказий фигура ҳисобланади. У машинистлар, стрелначилар, башмакчилардан иборат катта комплекс бригадага раҳбарлик қилади. Поезд тузувчи маневр ишларини яхшилашдан ташқари, бутун станциядаги ҳаракатнинг бир меъёрда боришига ҳам жавобгардир.

Қўқон станциясидаги поезд тузувчилар бригадалари ўз бурчларини сидқидилдан англаб, меҳнат унумдорлигини оширишга ҳаракат қилмоқдалар, маневр ишлари технологиясини сурункасига такомиллаштириб бораётирлар. Поезд тузувчилар бригадаси ишига станция диспетчери раҳбарлик қилади. У сменадаги барча ишларнинг тез, сифатли, бенуқсон бажарилиши учун жон куйдиради. Диспетчернинг раҳбарлигида поезд тузувчилар вагонларни улайдилар, составлардан ажратадилар, янги поездлар тузадилар, уларнинг оғир юкли бўлишига интиладилар.

Бу ишларнинг кўнгилдагидек бажарилишига ҳаракат қилмоқдамиз. Илгари станциядаги маневр локомотивларининг ҳар бири ўз ҳолича ишларди. Баъзан улар ҳаракат вақтида бир-бирларига халақит беришар, кўпинча бекор туриб қолар, оқибатда вагонларнинг умри зое ўтарди. Кейинги вақтларда ягона технология асосида ишлашни тажриба қилиб кўрмоқдамиз. Бу эса ишлаб чиқаришни ташкил этишда, ҳаракатдаги составлардан тўғри фойдаланишда нувончли натижалар беряпти.

Локомотивлар махсус участкаларга бириктириб қўйилди. Бир локомотив вагонларни юк саройига етказиб берса, икки локомотив юк ортилган вагонларни катта йўлга олиб чиқади, юк ортиш-тушириш участкалари билан асосий йўлдаги ҳаракатни бир-бирига боғлайди. Янги технология асосида ишлаш кўплаб оғир юкли составлар тузиб улгуришимизга имкон беряпти. Ҳозирги вақтда бир томонга кетадиган транзит поездларни оғир юкли қилиб жўнатмоқдамиз. Бунинг учун келаётган составда қанча юк борлигини ва унга яна қанча вагон улаш мумкинлигини олдиндан ҳисобга оламиз. Состав келгунча оғир юкли поезд тузишга етарли даражада янги вагонлар гуруҳини тайёрлаб қўямиз. Транзит поезд келган зоҳати унга ўша томонга жўнатиладиган юклар ортилган қўшимча вагонлар тиркалади.

Бу эса поездлардан тўғри фойдаланиш, вагонларнинг «умрини» бекор ўтказмаслик, поезд тузувчиларнинг вақтдан самарали фойдаланиш, энг муҳими, поездларни оғир юкли қилиб тузиш имкониятини беряпти. Бу, икки поездни бирлаштириш демакдир. Шундай усул билан йил бошидан буён қарийб 60 минг тонна халқ хўжалиги юклари жўнатилди.

Поездлар ҳаракати графигини муваффақиятли бажариш, оғир юкли составлар тузишни кўпайтириш, вагонларнинг бекор туришини мунтазам равишда камайтириб бориш станциямиз ишлаб чиқариш-техника кўрсатгичларини тобора яхшилаяпмиз. Шу усулга амал қила бошлаганимиздан буён локомотивларнинг иш унуми ортди, вагонларнинг бекор туриши 4 соат камайди. Узим ҳам смена нормаларини 115 процентга етказиб бажармоқдаман.

Салоҳиддин ҲАМДАМОВ,

Қўқон станциясининг поезд тузувчиси.

ЛАФЗИ ҲАЛОЛ

Тепловоз машинисти бўлиб ишлайман. Агар машинистлар вагонларни юк ортиш ва тушириш жойларига ўз вақтида етказиб келмасалар, биринчидан, вагон бекор туриб қолади, иккинчидан, юкчиларнинг вақти зое кетади. Шунинг учун биз, темир йўлчилар ҳар бир дақиқани қадрлаймиз.

Коллективимиз иккинчи квартал социалистик мусобақасида магистраль корхоналари даврасида биринчи ўринни эгаллади. Темир йўл бошқармасининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдик.

Темир йўлчилар байрамини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган кураш ҳам яхши натижалар берди. Етти ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Ўтган ойда станция меҳнаткашлари юк ортиш планини 196,9 процент, юк тушириш планини 110,5 процент бажардилар. Вагонларнинг юк операцияларида туриши нормадагига қараганда 0,3 соат камайди.

Станциямиз меҳнат аҳли ҳамма вақт ваъдасига вафо қилиб келмоқда. Лафзи ҳалол коллективимиз етти йиллик плани ҳам муддатидан илгари бажаришга бел боғлаган. Ҳамкасбим З. Абдуҳоҳидов, Н. Жалолов, поезд тузувчи К. Раздалбедин, маневр диспетчери И. Шингарьев ўртоқлар поездлар ҳаракатини намунали ташкил этмоқдалар.

А. УСМОНОВ,

Қизил тўқимачи станциясининг машинисти.

Тошкент тепловоз депоси коллективи темир йўлчилар кунини меҳнатда ажойиб ишлаб чиқариш ютуқлари билан кутиб олди. Сиз юқоридаги суратда бир группа илғор тепловоз машинистларини (чапдан ўнгга) — Нодир Комилов, Аҳмад Исмоилжонов, П. Флоренко, Эдуард Асриянц, М. Восконян ва А. Хўжаев ўртоқларни кўриб турибсиз. Бу машинистлар поездларнинг график бўйича ҳаракат қилишига, кўплаб енилгини тежаб-тергаб қолишга муваффақ бўлишмоқда. Улар коммунистик меҳнат зарбдорларидир. Ҳамдам Шорасулов шу корхона устахоналарида 21 йилдан буён фрезерчи бўлиб ишлаб келмоқда. У бир йўла учта станокни бошқара олади. Шу билан бирга кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Пастдаги суратда эса Ҳ. Шорасуловни ўз ҳамкасби Б. Тарасовга иш юзасидан маслаҳат бериб турганини кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотолари.

ТУҲФА

Когон станциясига бундан 15 йил аввал дастлабки тепловоз келган эди. Ўша вақтгача биз тепловоз қандайлигини билмас эдик. Ундан фойдаланиш жуда яхши натижалар беряпти. Кейинги вақтларда Ўрта Осиё магистралидаги бошқа кўпгина корхоналар сингари биз ҳам нуқул тепловозлардан фойдаланишга кўчдик. Тепловозлар паровозларга қараганда жуда кўп афзалликларга эга.

Гап шундаки, кейинги ойларда локомотивларнинг бир кеча-кундузда ўртача йўл босиши анча ортди. Локомотив бригадаларининг қатнаш масофаси ҳозир 700 километрга узайди. Тепловоз уни бошқарувчилардан янгича, ишнинг кўзини билиб, тўғри фойдаланишни талаб қилмоқда. Шунинг учун биз ўз ишимизда илғор тажрибаларни кенг қўлпашга ҳаракат қилаётирмиз.

Тепловоз қувватидан тўғри фойдаланиш машинистнинг маҳоратига боғлиқ. Тайёр составни станциядан олиб чиқиш, йўл давомида ундан тўғри фойдаланиш, манзилга етиб боргач, техникавий қаровини ўрнига қўйиш ишларининг ҳар бири кўнгилдагидек адо этиши зарур. Поездни ҳайдашдан олдин унинг техникавий аҳволини синчиклаб кўздан кечираман. Майда камчиликларини йўл-йўлакай даҳол тузатаман. Зарур бўлса, депо навбатчисига айтиб ремонтчиларга ёрдамлашаман. Йўлнинг паст-баландлигини тўғри ҳисобга олиш локомотив қувватидан самарали фойдаланишнинг энг муҳим омилидир. Бу, машина тезлигини ошириш, ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлайди. Ҳар қандай ортиқча ҳаракатлар машинани уринтиради, ортиқча ёнилғи сарфлашга мажбур қилади. Шу сабабдан локомотивни аваллайман, уни бўлар-бўлмасга қийнайвермайман, ўз маромида ҳаракат қилдириб, қувватидан тўғри фойдаланмоқдаман. Шу йўл билан кейинги уч ойда 2000 килограмм ёнилғи иқтисод қилдим. Оғир юкли поездларда нормадан ташқари минглаб тонна халқ хўжалиги юклари ташидим. Бу менинг Бутуниттифоқ темир йўлчилар кунига туҳфамдир.

Садриддин РАЖАБОВ,

Когон тепловоз депосининг машинисти.

ВАГОНЧИЛАР ОИЛАСИ

Зоя Алексеевна Самарқанд темир йўл узелида ном чиқарган. Ҳалол меҳнати ва ўз тажрибаларини бажонидил бошқаларга ўргатиши билан эл шуҳратини қозонмоқда. Зоя Алексеевна аввал ишчи эди. Касбига меҳр-муҳаббат қўйгани учун қисқа вақт ичида илғорлар қаторидан ўрин олди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиди. Темир йўл техникумини муваффақиятли тамомлади. Мастерликка муносиб кўришди. Бу ишда ҳам кўпчиликка намуна бўлди. Мастер актив ташкилотчи, меҳрибон тарбиячи, ишлаб чиқаришнинг жонкуяри эканлигини амалда намойиш қилди.

Самарқанд вагон депосида Зоя Алексеевна Нечаеванинг номи ҳурмат билан тилга олинадиган бўлиб қолди. У ҳозир автотормозлар цехига бошчилик қилмоқда. Цехга кўҳна Самарқанд шаҳри корхоналари орасида биринчи бўлиб коммунистик меҳнат коллективи деган ном берилди. Цех азаматлари шарафли номга яраша баракали меҳнат қилиб, етти ойлик планни олти ярим ойда адо этдилар.

Ўртоқ Нечаева ишчан, тадбиркор, ҳар бир кишининг қалбига йўл топадиган дилкаш раҳбарлардан. Темир йўл транспортини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун бу йил Ленин ордени билан мукофотланди.

Мукофот уни меҳнатда янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Дарвоқе, Зоя Алексеевналар оиласини темир йўлчилар оиласи дейишади. Унинг умр йўлдоши Валерий Иванович Нечаев депода мастер бўлиб ишлайди. Ўғли Николай 8- синфни тамомлагач, кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқиб, депода слесарь бўлиб ишлаяпти. Қизи Ольга ҳам оила аъзоларига эргашмоқда. У Темир йўл транспорти инженерлари институтига кириб ўқиш ҳаракатида.

М. ХУСАИНОВ,

Самарқанд темир йўл техникумининг ўқитувчиси.

КЕКСА БИЛИМ ЮРТИ

АНДИЖОН, 30 июль. (ЎзТАГ). Фарғона водийсида энг кекса бўлган Андижондаги 19-профессионал-техника билим юртига 30 ёш ғўлди. Бу ерда ана шу йиллар мобайнида 25 мингга яқин механизатор тайёрлаб чиқарилди. Уларнинг кўпчилиги кенг профилдаги тракторчи касбига эга бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизаторлардан Маннон Жалолов ва Мамажон Дадажоновлар ҳам бир вақтлар ана шу билим юртида ўқиган эдилар. Ҳозир улар комплекс механизациялашган бригадаларга бошчилик қилмоқдалар.

Бу йил ана шу қишлоқ ўқув юрти «зангори кема»ларни ҳайдовчи механиклардан яна бир группасини тайёрлаб чиқаради.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ТОШКЕНТНИНГ ИККИ РАЙОНИДА...

Биринчи қўнғироқ чалинишига ҳам саноқли кунлар қолди!

Ҳар йили республикамизда янги-янги мактаблар қурилмоқда ва мавжуд мактабларга ҳар қачонгидан кўпроқ маблағ ажратилиб, уларга қулай шароитлар яратиб берилмоқда.

Калинин районидаги 102 та мактабда 41.506 ўғил-қиз ўқийди. Шу мактаблардан 70 таси нюлга қадар муддатидан олдин ремонтдан чиқарилди.

Райондаги 26, 68, 47, 34, 27, 87-мактаблар шулар жумласидандир. Бу мактабларнинг барвақт ремонтдан чиқишида жамоатчилик яқиндан ёрдам берди.

Райондаги кўпгина колхозлар ва оталиқ ташкилотлар янги ўқув йилига тайёргарлик ишларида жонбозлик кўрсатмоқдалар. «Коммунизм» колхозида 16 та синфли бино 90-мактаб ихтиёрига топширилди. Бу мактабнинг эски бинoси эса болалар боғчасига мослаштириб берилди.

Маориф ишига самарали ёрдам кўрсатаётганлиги туфайли «Халқ маорифи аълочиси» унвонини олган Ленин номли колхоз раиси Ғиёс Умаров колхоз фонди ҳисобидан ўтган йили 14 хонали мактаб қуриб берган эди, бу йил яна шу колхоз ҳисобига 10 хонали 7-мактаб бинoси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Лекин баъзи мактабларнинг ремонти суст боряпти. Ҳозирга қадар 11, 33, 78, 64, 94, 44-мактабларда ремонт ишлари жуда ёмон аҳволда. Қурилиш ишларининг суръати паст, ишчи кучи кам.

Пойтахтнинг Октябрь районида (халқ маорифи бўлими мудири Акбар Сайдаҳмедов) ремонт ишлари Калинин районидагига нисбатан суст боряпти. Мавжуд 47 та мактабдан фақат 14 таси ремонтдан чиқарилган, холос. Халқ маорифи бўлими район мактаблари учун маблағларни нотўғри тақсимлаган. Ўтган ўқув йилидаёқ ишга туширилган 186-янги мактаб ремонти учун бу йил яна 14.927 сўм пул ажратилган, 30-35 йил аввал қурилган мактабларга эса 2.000 сўмдан пул ажратилган, холос.

Райондаги бундай қўнгилсиз ишларга халқ маорифи ходимлари, кенг жамоатчилик ва айниқса район ремонт қурилиш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ М. Галькин) жиддий эътибор билан қараб, йўл қўйилган нуқсонларга тезда барҳам беришлари керак.

Э. ТЎЛАГАНОВ,
М. МИРСАИДОВ,
С. СУЛТОНОВ.

ЭНГ ЯХШИ ЛЕКТОРЛАРИМИЗ

НАВҚИРОН ҚАЛБ

Турсун ака катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Софиллик, камтарлик, принципиаллик фазилатлари шундан. У қаерда ишламасин партия ишончини оқлади, коммунист номини шарафлади. Ҳозир Турсун ака Шаҳрисабз район партия комитетида инструктор бўлиб ишлайди. Унинг иккинчи касби — лекторлик. Ўсмирлик чоғидан бошлаб лекторлик қилиб келаётган Турсун аканинг қобилиятига қойил қоласан, киши. У кенг мушоҳадали бўлиб, фаннинг турли соҳаларидан хабардор бўлиши билан бирга, халқ ибора, мақол ва ривоятларидан ўринли фойдалана билади. Бу эса у ўқиган лекциянинг таъсирчан ва мароқли бўлишини таъминлайди.

Бир мисол. Ёзнинг ромбахш оқшоми эди. Свердлов номли колхознинг меҳнат аҳли кечқурун радиодан ҳузур қилиб тинглаётган концерт тугагач, диктор севимли лектор Турсун акани микрофонга таклиф қилди. У илмий-атеистик темада суҳбат ўтказиб, ислом динининг социал илдизи, реакцион моҳиятини ҳаётий далиллар билан фош этди.

Турсун ака темани эҳтирос билан жўшиб ҳикоя қилади. Албатта, бундай вақтда унга ўткир хотираси қўл келади. Лектор тингловчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қила олади.

Турсун ака Жалилов «оқ олтин» миришкорлари ўртасида КПСС Марказий Комитети март Пленуми материалларини кенг пропаганда қилмоқда. Ҳа, уни доим дала меҳнаткашлари ўртасида, агитпунктларда, атеистик клубда учратасиз.

М. ХИДИРОВ.

ҲАВОЗАДАГИЛАР ПАРВОЗИ

Чатқол этакларидан то Тошкентгача чўзилган қурилиш ҳавозаларида бир неча йилдан буён трестимиз бинокорлари ишлаб келишади. Ҳавозаларни янада баланд кўтаришади. Меҳнаткашларга уйлар, ишхоналар қуриб беришади. Трестимиз 1957 йилда ташкил топганига қарамай, ўтган давр ичида йирик трестлардан бирига айланди. Бажариладиган ишлар ҳажми тўрт марта ортди. Бинокорларимиз ўтган давр ичида 220 минг квадрат метрдан ортиқроқ уй-жой майдонини, 11 минг ўринли мактаб, ўнлаб саноат объектларини ва маданий-маиший биноларни фойдаланишга топширдилар.

Чирчиқ электрохимия комбинати бизнинг энг йирик қурилиш объектларимиздан бири. Бу ерда «Чирчиқхимстрой» бошқармамиз ҳар йили янгиянги қувватларни қуриб фойдаланишга беради. Ўтган йилнинг ўзида йирик карбамид цехи, грануляция минораси, катализатор ишлаб чиқариш қуввати сингари ўнга яқин объектларни ишга туширдилар. «Чирчиқхимстрой» бошқармаси коллективи химия объектларини қуришда катта тажриба орттирган. Шунинг учун ҳам химия объектларини бу бошқарма ўз муддатида ва сифатли қилиб, шу куннинг талабига жавоб берадиган даражада қуриб келмоқда. Яқинда ажойиб хушхабар эшитдик. «Чирчиқхимстрой» бошқармаси қурувчилари намунали, поток усулда қуриш юзасидан республика бўйича ўтказилган конкурсда биринчи мукофотни олишга муваффақ бўлдилар. Трестимизда бундай илғор бошқармалар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

1964 йилгача трест қурилиш таннархини камайтириш топширикларини бажаролмай келарди. Кўпгина участкалар зарар кўрарди. Биз буни тугатиш учун қаттиқ ишга киришдик. Кадрларнинг иқтисодий ўқишини ташкил этдик, хўжасизликка қарши кураш эълон қилдик. Бошқармаларнинг иши ишлаб чиқариш кенгашларида мунтазам кўриб борилди. Камчиликлар вақтида очиб ташланди. Ана шундай қатор тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида трест зарар ўрнига фойда кўра бошлади. 1964 йилнинг ўзида пландан ташқари олинган фойданинг ўзи 227 минг сўмни ташкил этди.

Биз ҳар йили жуда кўп объектларни қуриб битказамиз. Иш суръатимиз ҳам йилдан-йилга кўтарилиб бормоқда. Шунинг учун ҳам қурилишни тубдан такомиллаштириш бизга катта фойда келтириши мумкин. Шу мақсадда бутун диққат-эътиборни қурилиш сифатини янада яхшилашга қаратаётирмиз. Бу йўлдаги ҳар бир ташаббус бошқармалар, қурилиш участкалари ўртасида қўллаб-қувватланмоқда. Оддий бир мисол: биноларни гарантия паспортлари билан уй эгаларига топшириш ташаббусини биринчи бўлиб «Чирчиқжилстрой» бошқармасининг Х. Чебанов бошлиқ бригада қурувчилари бошлаб беришган эди. Бу ташаббус кўп ўтмай, бошқармадаги ҳамма бинокорлик бригадаларини қизиқтириб қолди. Ҳозир жуда кўп бригадалар шу ташаббусга қўшилиб ишламоқда. Ўтган йилнинг ўзида «Чирчиқжилстрой» бошқармаси уй-жой биноларининг 80 процентини ана шундай гарантия паспортлари билан эгаларига топширди. Бу йил эса партия-хўжалик активи йиғилишида маданий-маиший биноларни ҳам гарантия паспортлари билан ташкилотларга топширишга келишиб олинди. Бунинг натижасида бинокорларнинг объектларни сифатли қуришдаги масъулиятлари янада ошмоқда.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Қурилиш сифатини янада яхшилаш юзасидан жуда кўп ишлар қилинмоқда. Масалан, «Чирчиқхимстрой» бошқармасида волгоградликларга эргашувчи бригадалар кўпайиб бормоқда. Бундай бригадаларда сифат бўйича жамоатчи инспектор бўлиб, улар ҳар бир ишнинг сифатли бажарилишини назорат қилиб борадилар. Бошқармада эса жамоатчилик асосида ишлайдиган сифат бўйича совет ташкил этилган. Ҳозирги пайтда ана шундай советлар трестимизнинг ҳамма бошқармаларида ташкил этилмоқда. Бу советлар объектларнинг қандай қурилаётганини мунтазам назорат қилиб боради.

Ҳозирги қурилиш мураккаб иш жараёнларидан иборат бўлгани учун ҳам у ҳар бир ишни индустриал усулда, комплекс механизация асосида олиб боришни тақозо этади. Шу туфайли қурилиш ишида ҳар бир янгиликнинг охирини ўйлаб, келтирадиган фойдасини чамалаб жорий этишга тўғри келади. Кўп синов, тажрибалардан сўнг яқинда биз бир янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этдик. Ў объектларни йиғма темир-бетон конструкциялар билан бир меъёрда таъминлаб туришга имкон беради. Бир группа инженер-техник ходимларимиз йиғма темир-бетон етказиб беришнинг план-графикларини ишлаб чиқдилар. Бу объектларга марказлаштириладиган усулда йиғма темир-бетон конструкцияларни тўла комплектда етказиб беришга ёрдам беради.

Яна бир муҳим масала. Шу йилга қадар қурилиш техникаси трестлар ихтиёридаги механизация бошқармалари қўлида эди. Бу йил қурилиш механизмлари 1-«Строймеханизация» трестига олиб берилди. Биз қурилишда ихтисослаштириш тарафдорямиз. Лекин янги трест енгилликлар тугдириши ўрнига ишимизни бирмунча мураккаблаштириб юбормоқда. Машиналарни ишлатиш, уларни бир объектдан иккинчисига кўчириш, машиналар ремонти, кадрлар тайёрлаш сингари ишларни оператив бошқариш мумкин бўлмай қолди. Бизнингча янги «Строймеханизация» трести машиналарнинг ремонти, кадрлар тайёрлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш ва машиналарни тақсимлаш билан шуғулланиши мақсадга мувофиқ. Машина-механизмларни ишлатиш, унга раҳбарлик эса қурилиш трестлари ихтиёрига топширилиши керак. Ҳозирча, янги «Строймеханизация» трести ўзига юклатилган ишни эплай олаётир, деб бўлмайди.

Ютуқларимиз билан бирга ҳали бартараф этилмаган анчагина камчиликларимиз ҳам бор. Ҳали трест коллективи қишлоқ қурилишига етарлича аҳамият бераётгани йўқ. Қишлоқ қурилишида ишлар ҳажми эса кичкина эмас, у йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу ишлар сифатини яхшилаш, суръатини кўтариш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Шунингдек, трестимиз фақатгина 5 та илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ички имкониятлар етарли ишга солинмаган. Янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш масалалари ҳамма участкаларда охиригача ҳал этилмаган. Лекин ҳозиргача эришган маррамиз трест коллективи бундан кейин ҳам топшириқларни ўз муддатида, ошиғи билан бажара олиши мумкинлигидан далолат беради.

А. АБДУҲАМИДОВ,

160-қурилиш трестининг бошқарувчиси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИДА босилгандан кейин

«ТОКАЙГАЧА»

«Совет Ўзбекистони» газета редакциясига Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги қуйидагиларни хабар қилди.

Газетанинг шу йил 21 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди. Марғилон ипак комбинатини реконструкция қилиш, бўёқ, пардозлаш корпусини қуриб битказиш ва фойдаланишга топириш муддати чўзиб юборилгани тўғри. Сифатсиз маҳсулот тайёрлагани ва қурилишга етказиб бергани учун Марғилондаги 8-трест яигма-темир бетон маҳсулотлари майдончасининг бошлиғи Н. Новиковга қаттиқ маъмурий жазо берилди. Мастер эса ишдан олиб ташланди. Брак маҳсулот қайта ишланди. Бўёқ ва пардозлаш цехи қуриб битказилди, ҳозир маҳсулот бераётир. Сув минораси қурилишини чўзиб юборган кишилар ҳам қилмишига яраша жазо олди. Қурилиш ишлари суръати кучайтирилди. Минора яқин кунларда фойдаланишга топширилади. 1964 йилда бошланган пилла ишириш цехини реконструкция қилиш шу йилнинг охиригача тугалланади. Республикада енгил саноат корхоналари қуришнинг бориши, шу жумладан Марғилон ипак комбинатини реконструкция қилиш масаласи министрлик коллегиясида муҳокама қилиниб, ўтган кварталларда бажарилмай қолган қурилиш-монтаж ишларини шу йилнинг учинчи кварталида планга халал етказмаган ҳолда тўла бажаришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

БУХОРО ЯНГИЛИКЛАРИ

«СУДХЎРНИНГ ЎЛИМИ» ЭКРАНГА ЧИҚАДИ

Атоқли ёзувчи Садриддин Айнийнинг машҳур «Судхўрнинг ўлими» асари асосида янги фильм яратилмоқда. «Тожикфильм» студиясининг ижодий коллективи бу фильмнинг айрим кадрларини Бухорода суратга олмоқда. Асосий ролларни Тожикистон ССР халқ артисти София Тўйбоева, Тожикистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдулҳай Қосимов, Тоҳир Собировлар ижро этяпти.

ҚАШҚАДАРЁ ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Бухорода Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номли Қашқадарё область театрининг гастроль томошалари бошланди.

Театр ижодий коллективи областнинг Қоракўл, Вобкент, Олот районларида ва Аму — Бухоро каналлари трассасида «Лайли ва Мажнун», «Тошболта ошиқ», «Алакай билан Талакай» спектакларини намойиш қилмоқдалар.

Томошабинлар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Воҳидова, Ҳайит Мустафоқулов ва бошқаларнинг чиқишларини қизғин кутиб олмоқда.

ТЕХНИКУМ 40 ЕШДА

Бухородаги қишлоқ хўжалиги техникуми ўзининг 40 йиллик юбилейига ҳозирлик кўраётир.

— Билим юрти қучоғида таълим олган, — дейди техникум директори Иброҳим Тўхтаев, — 1500 пахтачилик, 400 дан ортиқ пиллачилик агрономлари, юзлаб зоотехник ва гидротехниклар республикамиз колхоз ва совхозларида муваффақиятли ишлаб келмоқдалар.

Техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида ҳозир 500 га яқин студент таълим оляпти.

Т. НАЗИРОВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЮМУРТОВ—ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ

Амударё соҳилида Юмуртов қум-тош тепаликлари чўзилиб ётибди. Юмуртов этаклари эса яшил либосга бурканган, Амударё районига қарашли кенг, яхлит далаларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Кейинги йилларда «Юмуртов проблемаси» деган сўзлар Хоразм областида тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Область қурилиш ташкилотлари Урта Осиёнинг узоқ жойларидан қум ва тош-шағал ташиб келтирадилар, материалларни етказиб беришда қурилишлар бўлиб туради, қурилиш таннархи қимматга тушади. Ҳолбуки қум, тош-шағал заҳиралари ёнгинамизда— Юмуртовда битмас-туганмас. Шу ерда тош майдалаш-саралаш заводи қуриш пайти етмадими?

Машъал областда капитал қурилиш ҳажми кенгайиб борганида Юмуртовда индустриал база вужудга келтириш масаласи муҳим аҳамият касб эта борди. Дастлаб қурилиш эҳтиёжининг бир қисмини қондирадиган карьер барпо қилинди, тош майдалаш агрегати ишга туширилди. Бу биринчи разведка бўлиб, катта ишнинг бошланиши эди.

Кутилган дамлар келди. Ҳарсанг тошлар макони бўлган Юмуртов остоналарида ҳаёт қайнай бошлади. Ўрта Осиёда йирик корхоналардан бири — тош майдалаш-саралаш заводи қурилиши авж олдириб юборилди. «Союзвзрывпром» бошқармасининг Тошкентдан келган отряди портлатиш ишларини тугаллагач, экскаватор ва бульдозерлар котлованлар ўрнини қаттиқ тош жинсларидан тозалади. 167-қурилиш трестининг 2 механизациялашган қўчма колоннаси қисқа вақт ичида қурувчилар учун уй-жойлар, водопровод тармоқлари қурди. Муваққат электростанция ишга туширилди.

Юмуртов тош майдалаш-саралаш корхонаси йилига 1,2 миллион кубометр инерт материаллар ишлаб чиқаради. Хоразм, Қорақалпоғистон АССР ва Туркманистон ССРнинг Тошовуз зонаси группа районлари янги корхона маҳсулотларидан баҳраманд бўладилар.

Биз бўлғуси гигант корхонанинг лойиҳаси билан танишдик. Ишлаб чиқариш корпусларининг бирида тошларни дастлабки қайта ишлаш, иккинчисида майдалаш, учинчисида саралаш жараёнлари, бошқаларида инерт материаллар йиғиш ва транспортга ортиш процесслари амалга оширилади. Қурилиш майдонига ускуналар тўхтовсиз келиб турибди. Қўдратли тош майдалаш машиналари, турли механизмлар келтириляпти. Тез орада бу ерга Чоржўй—Қўнғирот пўлат магистралидан темир йўл шохобчаси тортилади. Юмуртов Тахиатош ГРЭСидан электр қуввати олади. Янги корхонанинг ишчилар поселкаси қад кўтармоқда. Бу ерда мактаб, клуб, ошхона, новвойхона, ҳаммом ва бошқа коммунал-маиший ҳамда маданий муассасалар қурилади.

Юмуртов тош майдалаш-саралаш заводи қурилишини икки йил ичида тугаллаш мўлжалланган. Қурувчилар зарбдор объектни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун мусобақани қизитиб, кўтаринкилик билан меҳнат қилаётирлар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ ҲАЁТИДАН

ТАШАББУС КЎРСАТИБ...

СССР Министрлар Советининг колхоз мутахассислари ва механизаторларини социал страхование қилиш ҳамда пенсия билан таъминлаш тўғрисида ўтган йилнинг 20 июлида чиқарган қарори, шунингдек, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ташкилотлари ишчи ва хизматчилари касаба союзлари Марказий Комитетининг қишлоқ мутахассислари ва механизаторларига касаба союзлари сафига кириш ҳуқуқини бериш ҳақидаги қарори бепоён далаларда фидокорона меҳнат қилаётган кўплаб механизаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ғайратига ғайрат қўшди. Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная Звезда» колхозн меҳнаткашлари ҳам мазкур ҳужжатлардан руҳланиб, ўз коллективида касаба союзлари маҳаллий комитетини туздилар.

Колхоз касаба союзлари маҳаллий комитетига хўжаликнинг энг ҳурматли, ташкилотчи кишилари сайланди. Уларнинг орасида моҳир механизаторлар, агрономлар, зоотехниклар бор. Маҳаллий комитет аъзолари дарҳол ишга киришдилар. Даставвал, улар колхоз аъзоларини қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун курашга сафарбар қилиш учун барча имкониятларни ишга солдилар. Маҳаллий комитет аъзоларининг ҳар бири конкрет топшириққа эга. Улар комитет аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинган план асосида иш кўрадилар.

Шуниси қувончлики, маҳаллий комитет ўз фаолиятида ҳар бир колхозчини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, топширилган иш учун зўр масъулиятни ҳис қилиш, ҳар нарсага ижодий ёндошиш руҳида тарбияламоқда. Шу мақсадда хўжаликда социалистик мусобақа ҳамда коммунистик меҳнат ҳаракати янада авж олдирилмоқда. Маҳаллий комитет иштирокида ҳамма бригада ва фермаларда етти йилликнинг сўнгги йили учун конкрет тадбирлар белгланиб қўйилди. Уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқариш вазифалари билан бирга, колхознинг ҳар бир аъзосини умумий ва техника савиясини ошириш, ишлаб чиқаришда ва турмушда коммунистик фазилатларга эга бўлиш каби қоидалар қайд қилиб ўтилган. Ҳозир колхозда 19 бригада ва 4 ферма коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олиш учун курашмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун эса 300 дан ортиқ колхозчи фидокорона меҳнат қилмоқда.

Ишлаб чиқариш бригадалари ва ремонт устахоналарида касаба союз группалари ташкил этилган. Бу группалар колхоз ҳаётининг ҳамма соҳалари билан конкрет шуғулланишда маҳаллий комитетга яхши ёрдам беришяпти. Айниқса уларнинг дала меҳнаткашлари учун маданий-маиший хизматни яхшилаш, дала шийпонларини колхозчиларнинг миригиб дам олдиган жойига айлантириш юзасидан олиб бораётган ишлари мактовга сазовордир. Маҳаллий комитет ҳузурида ташкил этилган комиссиялар ҳам яхши фаолият кўрсатмоқда. Чунончи, В. Пак бошчилигидаги социал страхование комиссияси механизаторлар ва мутахассисларнинг иш стажини аниқлаш, меҳнатга вақтинча яроқсиз кишиларга ҳақ тўлаш, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни намунали йўлга қўйиш борасида ташаббус кўрсатиб ишламоқда. Кексайиб қолган, меҳнатга яроқсиз кишиларга пенсия тўлашни ҳам шу комиссия белгилайди.

Колхоз агрономи Ф. Ким бошчилигидаги оммавий ишлар комиссияси хўжаликда социалистик мусобақани ҳамда коммунистик меҳнат ҳаракатини кучайтириш, колхоз ишлаб чиқаришини планлаштиришда актив қатнашмоқда. Шунингдек, комиссия аъзоларининг бевосита иштироки билан колхоз правлениеси меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг энг мақбул формаларидан фойдаланмоқда. Бундан ташқари, мутахассисларнинг савиясини ҳамиша ошириб бориш ҳақида ғамхўрлик кучайтириляпти. Колхозда агрохимия ўқиши ҳамда механизаторлар тайёрлаш бўйича очилган курслар яхши натижа бермоқда. Механизаторлар курсини яқинда 24 киши битириб чиқди.

Маҳаллий комитет ишлаб чиқариш масалалари билан бир қаторда коллектив аъзоларини коммунистик руҳда тарбиялаш билан ҳам, астойдил шуғулланмоқда. Ҳамма касаба союз аъзолари агитация-пропаганда ишларини кучайтиришда партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқда. Улар илғор кишиларни намуна қилиб, новаторлар тажрибасини ҳамма коллективларда қўлланилишига эришмоқдалар. Маҳаллий комитет таашбуси билан колхозда бешта комплекс механизациялашган бригада ташкил этилди. Колхозчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши ҳам маҳаллий комитетнинг диққат марказида туради. Колхозда бир неча клуб бор. Уларнинг ҳар бири дала меҳнаткашларига намунали хизмат қилишга мослаштирилган. Марказий клубда ташкил этилган бадиий ҳаваскорлар тўгараги қишлоқ ёш талантларини вояга етказиш билан бирга дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқда.

Маҳаллий комитет ташаббуси билан ташкил этилган илмий-техника ҳамда рационализаторлар ва ихтирочилар жамиятлари, шунингдек иқтисодий анализ бюроси қишлоқ мутахассисларининг ижодкорлигини оширишда катта омил бўлмоқда. Ҳозир колхозда қўплаб ихтирочилар ва рационализаторлар бор. Уларнинг ихтиролари ишлаб чиқаришда қўлланилиб, колхозга катта иқтисодий фойда келтирмоқда. Иқтисодий анализ бюросига Ўрток Л. Те раҳбарлик қилмоқда. Бу бюро колхознинг ўтган йилги ишлаб чиқариш фаолиятини чуқур анализ қилиб, хўжаликнинг янада рентабелли бўлишига ёрдам берадиган кўпгина таклифлар киритди.

«Полярная Звезда» колхози касаба союзлари комитети шўҳасиз яхши муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Бунинг сабаби шуки, у бир неча таниқли активларгагина эмас, балки ҳамма аъзоларига, барча колхозчиларнинг активлигига таянади. Қишлоқ хўжалик артели аъзолари бу йил давлатга 4,700 тонна пахта, 2775 тонна дон, шу жумладан 1336 тонна гўруч, 138 тонна гўшт, 430 тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширш учун курашмоқдалар. Уларнинг бу курашида колхоз касаба союзлари маҳаллий комитети актив қатнашмоқда.

В. ПОЛИЦАН.
Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ташкилотлари ишчи ва хизматчилари касаба союзлари республика комитетининг секретари.

КЕМА-МАГАЗИН

ШАРЛАУҚ ПРИСТАНИ, (Хоразм области). (ЎзТАГ). Шарлауқ пристани ишчилар таъминоти бўлимининг кема-магазини Амударё бўйлаб навбатдаги сафарга йўл олди. Тажрибали дарёчи Жеткир Сердалиев бакенчилар оиласига ва Тахиатош гидроузелининг қурувчиларига хилма-хил кенг истеъмол молларини олиб кетди. Бу моллар орасида дарёчиларнинг буюртмаси билан олинган радиоприёмниклар, гиламлар, балиқ овлаш асбоблари кўп.

Магазин мудири бўлган капитан 450 километрли катта районга хизмат кўрсатмоқда. Сузиб юрувчи бу универмаг қандай обҳаво шароитида соҳилда тўхтамасин Ж. Сердалиев дарҳол савдога киришади. Бу ерда моллар сотилмай қолмайди. Товар оборотининг етти ойлик плани ярим йилда бажарилди.

Кўпни кўрган бу сотувчи тўрт ярим йил мобайнида дарёнинг қуйиси ва юқорисига томон ўттиз минг километр йўл босиб ўтди.

АМУ ЖИЛВАЛАРИ.
А. Тўраев фотоэтюди.

ЖУРНАЛИСТ ЕН ДАФТАРИДАН

САХОВАТ

Ғўзапояни ҳам қорамол ейдими? Ким кўрган? Тўғри, қиш ҳамда эрта баҳорда ғўзапоя ғарамлари атрофида моллар айланишиб қолишади. Лекин қорамол ғўзапояни суйиб ейиши кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз!

Бунга биринчи марта олтмиш учинчи йилда қувалиқлар гувоҳ бўлишди. Шундан бери ғўзапоя чорва моллларнинг тўйимли озуқасига айланиб қолди.

Дарвоқе, ана шу янгиликнинг топилиши ҳақида жуда кам эшитганмиз. Келинг, бу ҳақда яхшиси, «Ўзсельхозтехника» Қува район бирлашмасининг инженери С. Нарижний ҳикоя қилиб бersин.

— Мен сизга айтсам, умримда олтмиш учинчи йилнинг январидагидек қийин аҳволга тушиб қолмагандим. Бир ёқда қиш чилласи чирсиллаб турибди, бир ёқда «Социализм» колхозининг фермасида молларнинг ем-хашаги тамом бўлган. Фермада энди нима қилдик, қаердан ем-хашак олдик, сиз бир маслаҳат беринг, дейишади... Бир менга эмас, ҳаммага маслаҳат солиб кўришади. Ғўзапояни «ДКУ-М» билан майдаласак-чи, дейишади.

Майдалай олармикин? Синаб кўрдим. Бўларкан. Кейин майдаланган ғўзапояни нвитиш, ундан терт тайёрлаш йўллари ҳам топилди. Уни махсус прицепга жойлаб, аввал душ тагида тутиб турдик. Кейин тагидан буг юбориб бугладик. Бир-бир ярим соат устини ёпиб, димлаб қўйиб, молларга бердик. Иштаҳа билан еди...

Шундан кейин Нарижний ғўзапоядан терт қорадиган агрегат яратиш ҳаракатига тушиб қолди. Балки у институтда ўқиб ихтисос олганида бу иш осон кўчармиди! Икки йилда эмас, бир неча ойда агрегатни ишга туширган бўлармиди! У уч синфнигина тугата олган. Ёшлигидан бошига иш тушган. Умрининг ярмидан кўпи Қувада шоферлик билан ўтган. Улуғ Ватан урушида ҳам ўз машинаси билан ўқ-дори, қурилиш материаллари ташиган. «Тез ёрдам»да фронт ичидан ярадорларни олиб чиққан. Урушдан кейинги йилларда автобазада завгарлик, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасида мотористлик қилган. РТС даврида чорвачиликдаги оғир ишларни техника елкасига юклаш бўйича механик бўлган. Ҳозир инженер.

Районда «Нарижниймн, техникаанинг «тилмочи-ку», у жон кирита олмайдиган машина йўқдир, дунёда», дейишади. Ана шу одам чорвадорлар учун ажойиб агрегат яратибди. Унинг биринчи нусхасини Қувадаги «Ленинград» колхози фермасида кўрдик. Уни кўргани қардош Қирғизистон, Тожикистондан, республикамиз областларидан чорвадорлар келиб кетишибди. Ферма мудири Зуннун ака Ҳолбоев мана бундай деди:

— Нарижний аканинг терт цехи чорвадорларнинг қўнглидаги нарса бўлди-да. Буни қаранг,—у кўкрак чўнтагидан дафтарчасини чиқарди. — Мана бу рақамларни солиштириб бир магзини чақиб кўринг-а... Эшитинг. Терт цехи, яъни ҳалиги ўзингиз кўрган агрегат ишга туширилмасдан илгари — январь ойида 180 бош сигирдан 18161 литр сут соғиб олган эканмиз. Агрегат февралнинг охирларида ишга тушди. Ғўзапоя, похол, ҳитоқ, ғўза пўчоқ ҳамда қунжара аралашмасидан тайёрланган тертни моллар ҳуш кўриб ея бошлади. Энди мартдаги натижага қулоқ солинг. Март ойида 26980 литр сут соғиб олибмиз. Қаранг, сигирлар сутини бир ойда салкам 9 тонна кўпайтирибди. Майга келиб эса 10 тоннадан ошиб кетди. Шунча йил фермада ишлаб бунақасини кўрмагандим. Бир соғин сигир сутини бир ойда эллик литр кўпайтирганини эслай олмайман.

— Бу кетишда баъзи сигирлар сутини бир ойда 100 литр ҳам кўпайтирадигангa ўхшайди, — дея гапга аралашди колхоз сут-товар фермасининг бригадири Раҳмонали Темиров — май ойининг ўзида бир ойлик сутини олтмиш-олтмиш беш литрга кўпайтирган сигирлар бор.

— Даромад қанақа бўляпти?

— Сут кўпаяётганининг ўзи бир даромад. Фойдага қолаётган озуқани айтмайсизми! Бултур тайёрланган ҳаёл бу йил ҳали августгача ҳам етиб боради. Пичан мартгача етиб берса, марра бизники эди. Ҳозир 200 тоннага яқин пичанимиз турибди. Нарижний ака терт цехини ишга туширибердиёқ, шундай бўлди. Озуқамиз қишдан ортиб қолди.

Энди агрегатнинг янги нусхасини кўргани «Коммунизм» колхози фермасига кетяпмиз.

... Машина темир дарвоза олдига келиб тўхтади. Паст бўйликкина мошгурунч соқоли кўксига тушган, қулча юзидан қаринларга хос меҳр-тароват ёғилиб турган отахон иссиққина қарши олди.

— Келинг, келинг, Нарижний ака, омонмисиз. Қаёқлардасиз, кўринмайсиз...

Бир одамга шунчалик ҳурмат бўлар-да. Етмишларга бориб қолган чол ўзининг катта ўғли тенги одамни сиз-сизласа... Бунга ҳар қандай одам ҳам мушарраф бўла олмаса керак. Сергей Савельевич ҳам шундай ўзбекчасига қуюқ сўрашди.

Ичкари кирдик. Атрофи очиқ шийпон тагида «Ленинград» колхози фермасида кўрганимиздек агрегат турибди. Фақат бу ерда иккита дагал хашакни майдалайдиган «ДКУ-М»нинг биттаси «РСС-6» силос қирқиш ускунаси билан алмаштирилибди. Транспортёр ҳам кўринмайди. Корпусли шнекнинг тепа қисмини сал кўтариш билан транспортёрга ҳожат қолмабди. Ана, Сергей Савельевич токни улаб, қизил кнопкаларни босди. Моторлар ғуриллаб, агрегат ишлади. У нарироқдаги дагал хашакдан икки қучоқ келтириб силос қирқиш ускунасига солди. Майдаланган хашак иссиқ сув сепиб қориштирадиган ва буғлаб ҳўмматадиган мосламадан шнекка ўтди. Махсус механик усулдаги охур унинг устига қунжара «сепди». Шнек эса уни тертга аралаштириб тепага олиб кетди. Кейин махсус чуқурда турган прицепга тўкиб бошлади. Икки қучоқ хашакдан бир тогора терт тушди.

Сергей Савельевич қора кнопкани босади. Агрегатнинг шовқини тинади. Қаердандир дарров бир чойнак чой кўтариб келган бояги отахон бизни бир пиёла чой ичгани сўрига таклиф этади. Улар дарров ширин суҳбатга тушиб кетишади. Ҳаёдим бошқа ёққа қочади. Агрегат неча бош сигирга терт қориб бера оларкин? Қанча вақтда ўзини оқларкин? Боя «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасида берилган ҳужжатни чўнтагимдан олиб, аста варақлайман. Бу терт цехининг техника-экономик характеристикаси. Уни Қува район бош ветврачи Х. Эрматов билан «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг старший экономисти И. Курбатов тасдиқлаган. Уларнинг хулосаларини бир-бир ўқийман.

«Нарижний дагал хашак майдалагич «ДКУ»ни такомиллаштириб, унинг бир соатлик иш унумини 350 килограммдан 850 килограммга кўтарди. Битта «ДКУ»ни «РСС-6» маркали силос қирқиш машинаси билан алмаштириш ҳисобига эса, терт қориш агрегатининг бир соатлик иш унумини 2,5 тоннага етказди. Ана шу агрегат кунига 7 соатдан ишлаганда ҳам 700 бош сигирга терт тайёрлаб бера олади. Бу иш билан атиги уч-тўрт киши банд бўлади. Шундай агрегат ўзига сарфланган харажатни тўрт ойга қолмасдан қоплайди. Кейин у фермага текинга қоладн. Фойда бераверади...».

Сергей Савельевич Нарижний яратган агрегат ҳозир Фарғона водийси колхозлари фермаларида ўрнатилаётган бўлса, ҳаёдмай, қардош республикаларда ҳам ишга тушади. Ҳа, чорвадорлар илтимоси билан агрегат заводларда тайёрлаб чиқарила бошланса ҳам ажабмас.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Район штаби

Сирдарё район комсомол комитети ташаббуси билан Қишлоқ хўжалик техникаси ремонти ва пахта йиғим-теримига тайёргарликни назорат қилиш район штаби ташкил этилди.

Штаб раислигига район комсомол комитетининг биринчи секретари Бобо Зуҳуров сайланди. «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси бош инженери Ли Бон Чун, ишлаб чиқариш бошқармаси бош инженери Пётр Ермолаевич Некрасов ўртоқлар штаб бошлиги ўринбосарлари қилиб тасдиқланди.

А. ҚУРБОНОВ.

«АРГЕНФЕЛС» ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНДИ

ОДЕССА, 29 июль. (ТАСС мухбири). Қора денгиз пароходчилигига қарашли «Горделивий» денгиз буксири капитанининг биринчи ёрдамчиси ўрток Менеев радио орқали қуйидагиларни маълум қилди: 27 июлдан 28 июлга ўтар кечаси «Горделивий» радисти Игорь Черятников эфирда фалокат сигналини эшитиб қолди. Ўн балли пўртана вақтида Сомалидаги Бербера портида ГФР байроғи остида сузувчи «Аргенфелс» теплоходи саёз жойга улоқтириб ташланган экан. Табиий офат кемани мажақлаб ташлаш хавфини туғдирган.

Фалокат юз берган райондан фавқулодда чиқиб қолган совет денгизчилари дарҳол ёрдамга отланишди. Бу — мураккаб ва қалтис иш эди. Тун қоронғисида буксирнинг ўзи ҳам сув тагидаги тошларга бориб урилиши мумкин эди. Бербера яқинида бундай тошлар жуда кўп. Қора денгизчилар юксак маҳорат ва жасорат кўрсатишди. Матрослардан Иван Бичков, Виктор Дейниченко, моторист Иван Потупайленко ва бошқалар айниқса ўрнак кўрсатиб ишлашди. Қора денгизчилар немис кемасини саёз жойдан тортиб, бехатар жойга элтиб қўйишга муваффақ бўлишди.

Немис теплоходининг капитани билан экипажи совет денгизчилари уларни қутқариб қолганликлари учун чин юракдан миннатдорчилик билдиришди.

А Ҳ Д

Чуст районидаги Ленин номли колхоз аъзолари пахта териш машиналарининг нақадар катта афзалликларга эга эканлигини бултурги тажрибада синаб кўрган эдилар. Улар 700 гектар ердаги пахтани «зангори кема»ларда йиғиштириб олиб, пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни анча камайтирдилар. Пахта таннархи бирмунча арзон бўлди.

Бу йил 1530 гектар ерга чигит экилган эди. 60 процент майдондаги пахтани агрегатлар билан териб олишга аҳд қилган механизаторлар шу майдонлардаги ғўзаларни машинабоп қилиб ўстирмоқдалар. Ҳозир ҳар туп ғўзада 10-12 тадан гул, 6-8 тадан бўлиқ кўсак саналиб мумкин. Пахтаси машинада теріладиган майдонлардаги ғўзаларни парвариш қилиш сира сусайтирилгани йўқ.

— «Зангори кема»ларда терилиши лозим бўлган 800 гектарли пахта майдони 20 картадан иборат, — деди колхоз бош агрономи Ҳамиджон Турсунов. — Бу карталарга алохида тахтачалар қоқилиб, белги қўйилган. Бу йил далаларда 10 та терим агрегати ишлайди. Механик-ҳайдовчилар қайси картада пахта теришини ҳозирданоқ билишади. Терим машиналари мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Механик-ҳайдовчилар йиғилишиб, пахта йиғим-теримига тайёргарлик ҳақида маслаҳатлашиб олишди, социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Маъмур Мирвалиев, Исроил Абдукундузов, Мовланберди Хилватов каби механик-ҳайдовчилар 250-300 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилдилар.

Колхоз механизаторлари йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриш билан бирга, август ойида барча майдонлардаги ғўзани камида икки марта комплекс парвариш қилиш учун курашмоқдалар.

Ж. КАМОЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг бошлиғи.

ПЕШҚАДАМЛАР

Иброҳим Аликулов бугун ҳам тонгги пахтазорда қаршилади. У тун бўйи 6 гектар ерга сув тараган эди. Бир текисда қониб сув ичган ғўзалар қуёшнинг илк заррин нурларида жилваланади.

— Иброҳимжон бригадамизнинг энг ишбилармон ва тадбирли сувчиларидан бири, — дейди бригада бошлиғи Ўрток Б. Олтинбеков, у ишни икки сменада ташкил этиш ташаббускоридир. Иброҳимжон шу кеча-кундузларда Турғун Шарофитдинов, Умар Мирзаев, Холмирза Сайдалиев каби касбдошлари билан бирга ғўзани кечаю кундуз қондириб суғораётир.

Бригада далаларини айланар экансиз, кўзингиз қувонади: ҳар туп ғўзада 8-9 тадан кўсак бор. Шона ва гуллар эса қуж-куж. 91 гектар ернинг ҳар гектаридан 22 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашда бригаданинг барча аъзолари қатори юқорида номлари қайд этилган миришкор сувчилар ҳам ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Барча майдондаги ғўзалар уч марта қондириб суғорилди. 21 жойда ташкил этилган «шарбат ҳовузчалари»дан ғўза томирига қувват оқаётир.

— Шарафли ном учун курашаётган бригада аъзолари, — дейди Киров районидаги «Партия XX съезди» совхозининг «Партия XIX съезди» бўлими бошқарувчиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор ўрток М. Латипов, — ғўза парваришини август ойи охирларигача давом эттиришмоқчи. Улуғ мақсад уларнинг ғайратига ғайрат қўшаётир.

А. ИСҲОҚОВ.

«ШАРБАТ»НИНГ ФОЙДАСИ

Июль ойининг биринчи ўн кунлигида Бағдод районидаги «Победа» колхозида 250 гектардан зиёдроқ майдондаги ғўзалар ривожланишдан орқада қолган эди. Ғўзага кўпроқ «шарбат» оқизиш кераклиги тўғрисида таклиф киритилди.

Колхоз правлениеси беш автомашинани ана шу иш учун ажратди. «Шарбат» туфайли ғўзаси паст майдонлардаги ўсимлик ҳам серҳосил бўлиб ривожланмоқда. Ана шу карталардаги ҳар туп ғўзада ҳозир 6-7 тадан тўқ кўсак санайсиз.

Ж. БОЛТАБОЕВ.

«КПСС» СПРАВОЧНИГИ

Янгиланган ва қайта ишланган «КПСС» справочниги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тўғрисида партия вужудга келган пайтдан то бизнинг кунларимизга қадар бўлган фактик материалларни ўз ичига олган. Справочникни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

Китоб КПСС ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни акс эттиради. У, партиянинг уч рус революцияси давридаги, гражданлар ва Улуғ Ватан урушлари йилларидаги қаҳрамонона йўлини, Совет социалистик давлатини мустаҳкамлаш учун, коммунистик жамият қуриш учун олиб борган ва олиб бораётган курашини назардан ўтказишга имкон беради.

Справочникда съездлар ва конференциялар, Марказий Комитет Пленумлари тўғрисидаги маълумотлар, партиянинг ички турмушига доир материаллар босилган, турли тарихий даврларда иш формалари ва методларининг ўзгариб туриши кўрсатилган, партия матбуоти ҳақида маълумотлар берилган. Текст схема ва диаграммалар билан безатилган. (ТАСС).

ЎРИМ КЕЧИКТИРИЛЯПТИ

ҒАЛЛА ФРОНТИДА

Комбайн донни ўзи ўради, ўзи янчади. Ғаллакорнинг ишини осонлаштиради. Бир комбайн билан қунига 15 гектар ва қўш комбайн билан эса камида ўттиз гектар ердаги дон ҳосилини йиғиштириб олиш мумкин. Ишни яхши ташкил этган хўжаликлар, бўлим ва бригадалар самарали натижаларга эришмоқдалар. Буни илғорлар мисолида кўриш мумкин.

Машъал хўжалик ҳисобланган 1-«Булунғур» совхозининг коллективи агрегатлардан унумли фойдаланиб, ғалла ўрим-йиғимини Булунғур районн бўйича биринчи бўлиб тугаллади. Бутун дон ҳосилини 23 иш кунида йиғиштириб олишга эришди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Н. Эсонтурдиев раислик қилаётган «Октябрь» колхози ҳам ўрим-йиғимни жадал суръатлар билан олиб боряпти. Кейинги ўн кунликда 1452 гектар ердаги дон ҳосили комбайн билан йиғиштириб олинди.

Агар райондаги бошқа колхоз ва совхозларда ҳам комбайнлардан шундай фойдаланилганда эди, ғалла ўрим-йиғимини ўз вақтида тугаллаш, давлатга дон топшириш планини аллақачонлар бажариш мумкин бўларди. Лекин райондаги кўпчилик хўжаликларда ўрим-йиғим суст боряпти.

«Красногвардейск» совхози 5275 гектар дон майдонига эга. Совхоз ўрим-йиғимни бошлаганига уч ҳафтадан ошди. Ғалла ўриш ва янчиш планини энди 52 процент бажарди. Бунга сабаб шуки, совхоз машина паркидаги 22 комбайн тўла ишга солинмаган. Ҳар куни кўп деганда 14-15 та комбайн ишлайди. Агрегатларнинг кўпи нормани бажармайди. Кунига нормадаги 200 гектар ўрнига 100 гектарга яқин майдондаги ғалла ўрилади. Оқибатда совхоз ғалла тайёрлаш планини 12 процент адо этди, ҳолос.

Ўрим-йиғим суръатининг бу қадар сустлигига совхоз директори ўртоқ Қ. Жуманиёзов баҳорикор ерларда ҳосил кутилганидек бўлмаганлигини рўкач қилади. Бунинг ўрим-йиғим суръатининг сустлигига нима алоқаси бор? Аввало бу хўжаликда ғалла ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик кўрилмади. Мавжуд комбайнлар ва бошқа ўрим машиналари тўла ҳамда сифатли ремонт қилинмади. Совхоз раҳбарлари комбайн ремонтига панжа орасидан қараб келдилар. Энди-ликда «ремонт қилинган» комбайнларнинг бир қисми тез-тез тўхтаб қолиб, ўрим-йиғимга қатнашмаяпти.

Йирик ғаллакор хўжалик «Ленин йўли», «Правда Востока», «Ленинобод», Калинин номли колхозлар, «Гулбулоқ» совхозида ҳам ўрим-йиғим ҳаддан ташқари суст боряпти. «Правда Востока» колхозида ўтган икки ўн кунликда графикдаги 4629 гектар ўрнига 2919 гектар ердаги дон ҳосили олинди. Икки ўн кунликда бирор кун ҳам график бажарилмади. Шу кунларда 170 гектар ўрнига фақат 80 гектар майдондаги ғалла ўрилянти. «Ленин йўли» колхозида 3128 гектар буғдой ва арпа майдонидан шу кунгача атиги 826 гектари ўриб олинди.

«Гулбулоқ» совхозида 7000 гектар дон майдонидан энди 3000 гектари ўрилди. 24 комбайн билан 21 июлда 144 гектар ердаги ғалла ўрилган эди, эртаси куни — 22 июлда фақат 122 гектар ўрилди. Кўпгина агрегатлар норма бажармайди. Ҳар бир комбайн билан кунига ўрта ҳисобда 5-5,6 гектар ердаги ғалла ўрилянти. Калинин номли колхоз (раиси Н. И. Пак, бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Тонгашев ўртоқлар) ғалла ўриш планини 15,4 процент, совхоз «Ленинобод» колхози (раиси Қ. Алимов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Ж. Хўжаев ўртоқлар) 25 процент бажарди.

Кўпчилик колхоз ва совхозларда аҳвол ана шундай бўлгани натижасида районда 32.173 гектар ердаги ғалла ҳосилидан 15.706 гектари ўриб олинди. Ҳолбуки, тузилган графикка кўра шу муддатда бутун майдонда ўрим-йиғим тугалланиши керак эди, бунинг учун ҳамма имкониятлар бор эди. Афсуски, улардан унумли фойдаланиш тадбирлари кўрилмаётир. Шу кунларда 124 комбайндан 70 таси ўримда қатнашяпти, холос.

Район хўжаликлари бу йил давлатга 4100 тонна дон сотиши лозим. Шундан 24 июлгача фақат 400 тонна дон топширилиб, план бор-йўғи 9.5 процент бажарилди. «Гулбулоқ» совхози, «Ленинобод», Калинин номли, Ленин номли колхозларга ўхшаш бир неча хўжаликлар ҳали давлатга бирор тонна ҳам дон сотганича йўқ.

Ғалла ўрим-йиғими мавсумий иш. Ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олган деҳқон ютади, кечиккан ютқизади. Буни Булунғур районн раҳбарлари, колхоз раислари, совхоз директорлари яхши тушуниб олишлари, ўрим-йиғимни тезлатиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришлари керак.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

МЕҲНАТКАШЛАР КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

ШАХТЁРЛАР ҒАЛАБАСИ

Японнинг «Хокутан юбари» шахтасида кончилар меҳнат шароитининг яхшиланиши ва ишлаб чиқариш хавфсизлигининг таъминланиши учун икки ҳафта давомида нураш олиб бордилар. Бу нураш уларнинг ғалабаси билан тамом бўлди. Ишчилар умумий забастовка бошлашга қарор берганликлари тўғрисида шахта касаба союзи огоҳлантиргани дан кейин компания хўжайинлари шахтёрларнинг талабларини қондиришга мажбур бўлдилар.

КЕМАЛАРДА ИШ ТЎХТАТИЛДИ

Ливерпуль портинигг докерларидан 300 киши иш ҳақини ошириш тўғрисидаги ўз талабларини маъмурият қондиришдан бош тортганидан кейин забастовка эълон қилди. Бунинг натижасида порт турган 12 кемада юк ортиш ва туширш ишлари тўхатилган.

ИТАЛЬЯН ЧОРАКОРЛАРИНИНГ КУРАШИ

Италиянинг турли районларида чоракорларнинг забастовкалари давом этмоқда. Равенна вилоятида нураш бир неча ҳафтадан буён давом этмоқда. Бу ерда чоракорлар норозилик намойишини ўтказдилар.

Намойишдан кейин уюштирилган митингда чоракорлар федерациясининг бош секретари Доро Франчисконн нутқ сўзлади.

«Чоракорларнинг талаблари жўн талаблардир, — деди у.— Помешчиклар чоракорлар қўлга киритган ҳуқуқларни тан олмаётирлар. Улар, жумладан, олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва пул мукофотини чоракорларга дарҳол беришни истамаётирлар...»

Ҳозирги вақтда бўлаётган забастовкалар нисфикорлиини тугатиш учун ва мустақил деҳқон хўжаликларини вужудга келтириш учун кенг кўламдаги нураш характерига эга бўлмоқда.

ИШСИЗЛАР АРМИЯСИ

Умум палатасида савдо министри Дуглас Жей Шотландия меҳнаткашларига ёқмайдиган бир янгилиги хабар қилди. У, Шотландияда ишсизлар сонининг «мавсумий» кўпайиши кутилади, деди. Жей яқин ойлар ичида Шотландиядa бир қанча кўмир шахталари ёпилажагини ҳам айтди. Иқтисодий қийинчиликлар туфайли ҳукумат бу районда бир қанча саноат корхоналари қурилишини кечиктиришга мажбур бўлди. «Дейли Уоркер» газетаси ана шуларни билдириб, ҳозирги вақтда Шотландиядa ишсизлар сони 58 минг кишига етиб қолганлигини эслатиб ўтди.

ИШЧИЛАРНИНГ ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТИ

Аргентинанинг Кордова шаҳридаги энг йирик «Фиат конкорд» автомобиль заводида маъмурият уч мингдан кўпроқ ишчини ишдан бўшатганлиги сабабли ўтган ҳафта бошланган низо кескинлашиб бормоқда. Заводни эгаллаб олган ишчиларнинг қатъий ҳаракати маъмуриятни ишдан бўшатилган ишчиларнинг асосий қисмини ўз ишларига қайтаришга мажбур этди.

Мамлакатда кўпгина касаба союзлар Кордова ишчиларининг курашини тўла қўллабқувватламоқдалар.

МЕҲНАТ ШАРОИТИНИНГ ЯХШИЛАНИШИ УЧУН

Италия цемент саноатининг ишчиларидан 24 минг киши 24 соатлик забастовка ўтказди.

Улар янги меҳнат шартномасининг тузилишини ва бу шартномада меҳнат шароитини яхшилаш ҳамда иш ҳақини ошириш гарантия қилиб қўйилишини талаб қилмоқдалар.

(ТАСС).

АМЕРИКА ХАЛҚИГА МАКТУБ

ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти Марказий Комитети Президиумининг Ранси Нгуен Хиу Тхо Вьетнам хусусидаги Женева битимлари имзоланган кунга 11 йил тўлиши муносабати билан Америка халқига мактуб йўллади, деб хабар беради ВИА агентлиги «Озодлик» радиостанциясига асосланиб.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари, дейилади ана шу мактубда, 1954 йилги Женева конференциясида Америка ҳукумати тантаналли суратда ўз зиммасига олган мажбуриятларни пойма-ил қилиб, Жанубий Вьетнамда энг шафқатсиз агрессив урушни бошлаб юбордилар ва ҳозир ҳам давом эттирмоқдалар.

«Дастлабки шартлар қўймасдан» музокаралар олиб боришга даъват этаётган Жонсон ҳукумати, деб таъкидланади мактубда, айни маҳалда ўзининг Жанубий Вьетнамдаги қуролли кучлари сонини 75 мминг кишига етказди. Эндиликда Жонсон ҳукумати яқин келажакда Америка экспедициячи қўшинларининг сонини янада кўпайтириб, 150 минг солдатга етказишни режалаштирмоқда. Жонсон ҳукумати Жанубий Вьетнам халқига қарши «Б-52» стратегик бомбардимончи самолётларини, напалм бомбаларини ва уруш олиб боришнинг кимёвий воситаларини ишга солмоқда.

АҚШ ҳукумати ўзининг агрессив сиёсати билан Америка халқининг, инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган ўзининг озодлик нураши билан тарихга шонли саҳифалар ёзган халқнинг шаънига доғ туширди.

Миллий фронт Марказий Комитетининг Президиуми Америка халқига ва унинг Жанубий Вьетнамдаги агрессив урушга ҳамда Вьетнам Демократик Республикаси территориясининг бомбардимон қилинишига қарши чиқаётган жамоат ташкилотларига 14 миллионли Жанубий Вьетнам халқи номидан миннатдорчилик биллиради.

Биз сиз, америкаликларга мурожаат қилиб, АҚШнинг агрессив урушини тўхтатиш, Американинг барча қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш ҳамда Жанубий Вьетнам халқига ўз проблемаларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини бериш учун тагин ҳам активроқ нураш олиб боришга чақирамиз. — дейилади мактубнинг охирида.

ОҚИЛОНА ТАЛАБ

ЛОНДОН, (ТАСС). «Дейли Экспресс» газетаси ўзининг бугунги редакцион мақоласида Англия ғарбий немислар ядро қуролига шерик қилинмайди, деб гарантия бериши керак, деган талабни қўйди.

Немислар, деб ёзади газета, жаҳонни икки марта уруш гирдобига тортди. Улар ана шу даҳшатли қурол устидан ҳеч қачон, ҳатто заррача контролга эга бўлмасликларини хоҳ Шарқда бўлсин, хоҳ Ғарбда бўлсин ҳар бир миллатнинг манфаатлари тақозо этмоқда.

МОНОПОЛИЯЛАРНИНГ ҲОЛИ ТАНГ...

КАРАКАС, 30 июль. (ТАСС). Венесуэлада Америка компанияларига қарашли бешта нефть қувурининг кули кўкка совурилди.

Энг кучли портлаш порт шаҳри Гуантадан тўққиз километр нарида (Ансоатеги штати) содир бўлди. Бу ерда қуролли кишилардан бир группаси Американинг «Техас петролеум компани» монополиясига қарашли нефть қувурининг 300 метрли участкасига динамит қўйиб портлатиб юборди. Етказилган зиённинг жами миқдори 2 миллион доллар ҳисобланмоқда.

Барселона шаҳри яқинида (Ансоатеги штати) ана шу компанияга қарашли 100 минг баррел нефть сиғадиган омборхона ҳам портлатиб юборилди. Гуанта ва Кумана шаҳарлари ўртасидаги автомобиль қатнови тўхтаб қолди, чунки ана шу шаҳарлар ўртасидаги катта тош йўлни нефть босиб кетди. Маъмурлар Ансоатеги штатида фавқулодда ҳолат жорий қилди.

ҚАРДОШ СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ТЕЗ СУРЪАТЛАР

СОФИЯ. Болгария Халқ Республикасида ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ярим йиллик плани 4,1 процент ошириб бажарилди. Пландан ташқари 140 миллион левлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Болгария Халқ Республикаси Марказий Статистика бошқармасининг ахборотида ана шулар ҳақида гапирилади.

Металлургия, химия ва резина саноати соҳасида, электроэнергия ҳосил қилишда, машинасозлик ва металл ишлаш саноатида анча ўсишга эришилди.

Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари аҳолига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 процент кўп гўшт, 13 процент кўп сут сотдилар.

Болгарияда меҳнат унумдорлиги 1964 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 5,1 процент ошди.

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДА

ВАРШАВА. Бу ерда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг IV пленуми ўз ишини давом эттирмоқда. Марказий Комитет сиёсий бюросининг «1966—1970 йилларда планлаштириш ва халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш системасига киритиладиган ўзгартишларнинг йўналишлари тўғрисида»ги доклади юзасидан бошланган музокараларда сўзга чиққан нотиқлар қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: республика халқ хўжалиги тараққиётининг ҳозирги босқичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли ва хилма-хил бўлиши, техникани тараққий эттириш ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш сингари омиллар айниқса муҳим роль ўйнамоқда.

Пленум қатнашчилари планлаштириш ва экономикага раҳбарлик қилиш системасини ислоҳ қилиш масалалари билан шуғулланувчи партия-ҳукумат комиссияларининг иш якунларини ҳар тарафлама муҳокама қилмоқдалар. Бу комиссияларнинг таклифлари марказий органлар томонидан ҳам, корхоналарнинг коллективлари томонидан ҳам амалга оширилаётган планлаштириш методларини яхшилашга қаратилгандир.

ВЛТАВА ГИДРОКАСКАДИ

ПРАГА. Чехословакиянинг энергетик инженерлари Влтава дарёсида яна учта гидроэлектростанцияси қуриш лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу электростанциялар Чехиядаги ана шу энг йирик дарёнинг ўрта оқимида қурилади. Қурилиш ишлари янги беш йиллиқда (1966 — 1970 йиллар) бошланади.

Влтава сув ресурсларидан тўла фойдаланиш планида гидроэлектростанциялари ва тўғонларнинг 13 босқичли каскадини вужудга келтириш кўзда тутилади. Гидрокаскаднинг етти босқичи ҳозирдаёқ қуриб битказилди.

Влтава дарёсида қурилган станциялар халқ хўжалигига ҳозирдаёқ йилига тахминан 1.250 миллион киловатт-соат электроэнергия бермоқда. 13 босқичнинг ҳаммаси қуриб битказилганидан кейин электроэнергия ишлаб чиқариш қариб икки баравар кўпаяди.

ХИМИЯ КОМБИНАТИ ҚУРИЛМОҚДА

БЕЛГРАД. Кутина шаҳрида Югославияда энг йирик бўлган сунъий ўғит ишлаб чиқарувчи комбинат қурила бошланди. Икки ярим йилдан кейин янги корхона ҳар йили 800 минг тоннадан зиёд азотли ўғитлар ишлаб чиқаради, деб умид билдирмоқдалар.

ЗЎР МУВАФФАҚИЯТ

БЕРЛИН. Лейпцигда китобларни бадиий жиҳатдан безашга бағишланган халқаро виставка зўр муваффақият билан ўтмоқда. Виставка кўпгина немис ва чет эл томошабинларини ўзига жалб этди.

Германия Федератив Республикасининг реакцион доиралари Германия Демократик Республикасида уюштирилган бу виставкани бойкот қилишга даъват этганликларига қарамай, виставка Ғарбий герман мутахассислари, ноширлари ва китоб ишқибозларида зўр қизиқиш туғдирди.

Лейпцигдаги бу виставкани ҳозиргача 15 мингдан кўпроқ киши келиб кўрди. (ТАСС).



Совет Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида товар айирбошлаш йилдан-йилга ўсмоқда. СССР қардош Чехословакиянга тошкўмир, темир руداси, нефть, пахта бермоқда. «ЧССРда тайёрланган» деган маркали саноат ва кенг истеъмол молларига совет кишилари юксак баҳо бермоқдалар. Суратда: Пржероведаги (Чехословакия) машинасозлик заводининг цехи. Ҳозир бу ерда СССРнинг закази бўйича металлургия заводлари учун 12 шарли тегирмон тайёрланмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ПОКИСТОН МАТБУОТИ УЧУН ЯНГИ НИЗОМ

КАРАЧИ, 30 июль. (ТАСС). Кеча президент Аюбхон Равалпиндида (Покистоннинг вақтинча пойтахти) гапириб айтдики, Покистон ҳукумати матбуот тўғрисидаги низомларнинг татбиқ қилинишини бир йил тўхатиб туришга қарор қилди. Шу низомларга кўра, ҳукумат маъмурлари матбуотда босилган материал давлат манфаатларига зарар етказади, деб ҳисоблаганлари тақдирда, шу материал босилган газета ва журналларнинг нашр этилишини тақиқлаб қўя олар эдилар ва шу матбуот органига штраф солишлари мумкин эди.

Равалпиндида ўтказилган редакторлар кенгашида «Матбуотнинг одоб кодекси» қабул қилинганидан кейин мана шундай қарорга келинди, деди ҳукуматнинг вакили. Янги низомга кўра, маҳаллий матбуот давлат манфаатларини кўзлаб, ўз ҳаракатини ўзи белгилаши мумкин. Мамлакат олий суди вакилининг бошчилигида олти журналистдан иборат қилиб тузилган «Матбуотнинг номус суди» шикоятларни қабул қила беради ва ҳар қандай газета ва журнални «ўзининг ҳомийлик қилишидан» маҳрум» эта олади.

ФИТНА БАРБОД БЎЛДИ

БРАЗЗАВИЛЬ, 30 июль. (ТАСС). Конго Республикаси (Браззавиль) миллат мажлисининг президенти Леон Ангор кеча бу ерда гапириб, янги давлат тўнтариши қилишга уриниш мақсадида ташкил этилган ва халқ томонидан ағдарилган Юлу бошчилигидаги режимни қайта тикламоқ учун империалистлар кўрсатмаси билан баъзи офицерлар томонидан тайёрланган фитна бошланмасданоқ тугатилди, деди.

Леон Ангор бу гапни миллат мажлисининг кеча очилган фавқулодда сессиясида сўзлаган нутқида айтди.

ШЎРАЛАГАН ҲУСН

МИРМУҲСИН

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

Тўйдан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас «уйда юраги қисилиб кўчага чиқиб кетаётган келин эрига табассум қилиб, бундан буён уни Вика деб аташини уқтирди. Хайриниисахон деган номи ўзига ёқмаслиги, бу «эскича» эканлигини такрор айтди. Фамилияси ҳам Берднёрова эмас, де-Бернард бўлганида қандай яхши бўларди... Бир дафтари устига «wica» деб ёзиб ҳам қўйибди. Норқўзи бўлса елкасини қисиб, ҳайрон бўлди: эҳтимол узундан-узоқ «Хай-ри-ни-сахон» деб юрганлар кўра, жўнгина Вика деб қўя қолгани маъқулдир. Вика эшикдан чиқатуриб, Норқўзи бўйнига осилди, юзига секин шапатлади. Уч-тўрт қадам юриб, орқасига қайрилиб қаради:

— О, синьор, гуд-бай!..

Норқўзи ялжайди, бир ҳафта ичида уни тез-тез ўпишга ўргатгани таажжуб! Бухородан келган бир уруғи келинга қараб туриб, «қейзинқу...» деди.

Вика кўчада юрганида қўлларини учбурчак қилиб, тирсагини чиқариб, қоматини ҳаранглатириб юради. Бу, «йигирманчи аср юришни» эмиш... Кўчадан қайтиб келган Вика яна тошойна ёнида ўтириб, ўзига ўзи маҳлиё бўлди, сочи орасига шиша банка қўйиб, дўппайтирди. узун, сунъий киприкларини эгди...

У, дарҳақиқат анча чиройли; кишилар гўё ғўзаллик қасрига боқсалар, унингча, аввало мана шу «пештоққа» кўз ташлашлари керак. Кўпчилик ичида бошқалар диққатини ўзига жалб этишни у ғоятда ёқтиради ва баъзан бунинг уддасидан ҳам чиқади. Бошқа тилда гаплашишни севар, нега одамлар «эсперанто» тилида гаплашмаскинлар деб ачиғланди. Аввали эри билан «характерлари келишмай» ажралишган. У эри ҳозир Вика дардида оҳ уриб: «бўйнимга ғишт осиб, ўзимни сувга ташлайман» деб юрган эмиш. Вика бўлса ойнага қараб туриб кулади, қўшиқ айтади:

— Эс-перан-то, о, эсперанто...

Вика чойни ҳам пиёлада эмас, рюмкада ичарди — «йигирманчи аср кишилари оёғига этик, бошига дўппи кийиб юрмайди, бу ўта кетган ёввойилик! Улар қисқа юбка, гулдор носки, перлон чулкилар ҳақида ўйлаши керак»... Викага иегадир ўзбек тили ҳам ёқмасди. У ўзининг ўзбеклигидан ҳам қандайдир уяларди. Бир куни кимдир уни англичанка деганига юраги ёрилиб кетгудай севинган.

Баъзан хаёлга чўмар; бир ухлаб кўзини очса-ю, Франциядa — Эйфель минораси тагида бўлиб қолса. Шу атрофдаги ресторанларда эрталабдан кечгача лиқиллаб «Ча-ча-ча»га танца тушса қандоқ яхши бўларди!

Ҳафталар, ойлар шундай хаёллар билан ўта берди. Вика ҳомиладор: унинг иттифоқо «Сосо-со-ео»га боши қоронги бўлиб қолди. Норқўзи бу ишмликни қидирмаган жойи қолмади. Ахийри топиб келиб, дарҳол хотинига ичирдиқ, кўнгли тинчиди. Лекин Викaнинг ўзига қолганда ҳеч фарзанд кўришни истамаси; унингча — беш кунлик дунёда ўйнаб қолиш керак эмиш. Айниқса «дипломли, цивилизованний кишилар» бола-чақа боқишдан кўра бошқа ишлар билан шуғулланишлари керакмиш. Вика одамларни икки гуруҳга бўларди — ўқиган кишилар; улар лабораториялларда фақат ихтиролар қилиш билан банд бўлмоғи лозим, ўқимаган кишилар; улар ўқиган кишиларга малайлик қилиш билан банд бўлмоғи керак... Мана, Викaнинг фалсафаси: Бу ясан-тусан, сатанг жувонни баъзан шаҳримизнинг гавжум кўчаларида диқиллаб юриб кетаётганини кўриб қоласиз. Унинг юзида бўёқ тегмаган ери йўқ. Шу нуқталда, нега ҳозир космос даврида ёш жувонлар қулоғини бўямаскин, қулоқ масаласи ҳам ҳал бўлиб қолса, унга муносиб бирон маз топилса, катта сенсация бўларди, деб умид қилиб юрибди.

Энди Норқўзининг Вика билан танишганни ҳақида икки оғиз сўз айтайлик; Бу танишув асосан кўлдаги пляждан бошланган. Қўлда чўмилаётган Викани кўриб, Норқўзининг ҳаловати бузилди; юрак ютиб гап ташлаган эди, у кампирнинг келишини тайинлаб блокнотидан бир варақка ўз адресини ёзиб берди. Норқўзининг онаси ҳам аввалига осмондаги ойни олиб, ўғлимнинг қўйнига солиб қўйдим, бопладим, қизини бермаганларни доғда қолдирдим, деб юрди.

Кунлар шундай ўтиб борарди; гоҳ ҳайронлик, гоҳо таажжуб... Аммо шу маҳаллалик Абдуқодир отанинг вафоти Норқўзи онласига дарз туширди. Қазони эшитган Норқўзи дарҳол кийиниб, чиқиб кетаётган эди. Вика ётган ерида уни тўхатди:

— Хелло, хело, тўхта! Бормайсан! Нега бормас экан, ахир, рульда кетаётганида ҳам машинани бир лаҳза ёўл четида тўхатиб, анча ергача тобуткашлик қилиб борадн-ку, шундоқ Абдуқодир ота ўлармишу тобутини кўтармасмишми?! Наники Норқўзи, эшитган бўлса бутун шаҳар ўрнидан туриб кетади.

— Нега? — деди Норқўзи жойида бир дам тўхтаб.

— Сен янгича одам!

— Ҳа, шунинг учун ҳам боришим керак!

— Эскилик бу! Сен қандай қилиб ўша қолоқ кишилар ичида борасан, жаноза ўқийсан?! Сенинг масалангни мажлисда кўрсалар нима бўлади?! Қайт, ўрнингга келиб ёт!

— Бориш керак! Нима, сен билан мен ўлмаймизми?

— Менга ўлим истайсанми, уятсиз! — у хўнграб йиғлайди.

Норқўзи таъби тирриқ, маъюс кўчага чиқиб кетди — эҳ, хотин деганнинг амирқон махсидан йилтирагани ҳам ҳеч бўлмас экан деди ўзига-ўзи. Қайтиб келгач уйда қиёмат-қойим уруш бўлди. Вика аразлаб онасининкига кетиб қолди. Уч кундан кейин ялиниб-ёлвориб яна олиб келишди.

Ой-куни етиб, Вика ўғил туғди. Туғруқхонадан келди-ю, болани қайнонага топшарди — чақалоқ бутилкада сут ичиб катта бўла бошлади. Баъзан гўдак иснаб, она кўксини қидирарди, лекин пешанаси бутилкага тегарди. «Фигурам бузилади» деб ўтиб ёрилган Вика болани қўлига олмай, баъзан узоқдан бирон жонворга тикилгандай кўз ташлаб қўярди. Кир ювадиган машина чиқарганлар-у, лекин бола ювадиган машина чиқармаганлар! Ўша инженерлар давлат пулини бекорга оляптилар! Агар шундай машина магазинларда пайдо бўлса ҳаммадан аввал Вика олиб, қайнонасини хурсанд қилмоқчи ҳам бўлди. Унинг ўйича нима учун инкубаторияга ўхшаш бир нима ясаб, хотинлар туққан замон чақалоқларни ўша машина ичига солиб юборсалар, бир-икки йилдан сўнг ўзи юрадиган қилиб берса... Вика фикрларини пайқаган кампир кинояли кулди: «жўда тез-лашиб кетибсиз, болам», — деди.

Ҳеч ерда ишламайдиган, тўғриоғи ишлашни истамайдиган Вика яна эрта билан белини сириб боғлаб, сочини ҳурпайтириб кўчага чиқиб кетди. У Норқўзига қўли билан ишора қилди: «Хело, О, синьор, гуд-бай!»

— Йўл бўлсин?

— Джаз оркестри келган, кеча очередь олган эдим. Бугун кассага етсам керак, тушамиз.

— Офарин! — деди Норқўзи бош чайқаб,

— О'кей, синьор! — Вика ўз қўлини лабига босиб ўпди, кейин ашулани бошлади: Эсперанто, о, эс-пе-ран-то!..

— Ҳей жонинг саломат бўлгур, одамга ўхшаб бир оғиз ўз тилимизда гапирсангчи, ахир бўғилиб кетдим-ку! Мана, ҳозир кетганимча, кеч келаман — кун бўйи грузовойда бетон ташийман — бу осон иш эмас. Бир оғиз одамга ўхшаб гапир, жонинг саломат бўлгур, хотинжон!

— «Эсперанто, о, эс-пе-ран-то...», — Вика буралиб, ўйнаб чиқиб кетди...

Кечқурун чарчаб келган Норқўзи бугун ҳам уйда хотини йўқлигини кўриб ғазабланди. Бунинг устига чақалоқ ғиншиб йиғларди. Кампир бола билан банд бўлиб овқат ҳам қилолмабди. Кеч соат ўнларда Вика жаз-оркестр концертидан қайтиб келди.

— Овқат қилиб қўйсаларинг бўлмасмиди? — деди Вика тарелкаларни тарақ-туруқ уриб, — уйда экансаи, бир нарса пиширгин эди!

Норқўзи ўрнидан туриб, хотинига қамчи бўлди. У асабини босолмай бир шапалоқ туширганини билмай қолди. Вика ҳам Норқўзи башарасига икки шапалоқ урди:

— Безори! Маданиятсиз! Тфу! — деди у жовуллаб йиғлаганича ичкари уйга кириб кетиб, — мен ҳозир докторга бориб справка оламан! Сен феодал — хулиганни судга бераман! Партқомга ариза ёзаман, сендек нфлосларни ишдан ҳайдаттираман!!!

У чамадонга кийимларини солиб чиқиб кетаётганида кампир йўлини тўсди.

— Жон болам, қўйинг, бир сафар кечиринг. Ўрталарингда бола бор — бир сафар шайтонга ҳай берінглар...

Лекин Вика кампирни силтаб ташлаб, «маданиятсизлар!» деганича, боласига ҳам қарамай, ҳовлидан чиқиб кетди.

Бир ой мобайнида Викaнинг югурмаган жойи қолмади, ҳамма унинг ўзининг ноҳақ эканини айтди. Ҳамма ерда ҳақиқат устун чиқди. Охири у «оиламизни бузмоқчи бўлган онанг — шум кампир» деб, қайнонасига ёпишди. Дили вайрон бўлган кимпир аламини ичига ютиб, бола боқа берди-ю ҳеч кимга шикоят қилмади. Лекин ўйлаб-ўйлаб бир куни Викaнинг ўзига шундоқ деди:

— Қизим, инглизчани ўрганибсизу лекин одамгарчиликни ўрганмабсиз. Ҳар ҳолда сизни яхши фарзанд деб келин қилган эдик. Ўз уйим, ўз тилимни дунёдаги ҳеч бир уйга, ҳеч бир тилга алишмайман, ўзимнинг яхши! Лекин сизга ачинаман. Мен биринчи паранжи ташлаб, фабрикада ишлаганларданман, Норқўзининг отаси эски фирқа, Шўро ҳукуматини тузганлардан. Ҳа, бизлар қариб қолдик... Аммо шундоқ катта мамлакатни сизга ўхшаганларга топшириб кета олмаймиз. Бу кунларга осонлиқча етганимиз йўқ, қанча одамлар қурбон бўлган. Сизнинг оёғингиз менинг ҳовлимда-ю, хаёлингиз «гуд-бай»да...

1965, июль.

Редактор ўринбосари

Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

1 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.40 — Ота-оналар учун, 8.25 — Темир йўлчилар учун концерт, 9.30 — Куйлар, 10.30 — Шарқ куйлари, 10.50 — Темир йўлчилар куни (рус.), 11.10 — Адабий-музикали эшиттириш, 11.50 — Янги фильмлар (рус.), 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13.30 — Темир йўлчилар талабига мувофиқ концерт (рус.), 15.20 — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» радиожурнали (рус.), 16.00 — «Байрамингиз қутлуғ бўлсин, темир йўлчилар!», 16.15 — Темир йўлчилар кунига бағишланган концерт, 17.00 — М. Ю. Лермонтов, «Тамань» (радиоинсценировка), 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.40 — Қозоқ куйлари, 19.20 — Концерт, 20.00— Концерт, 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.00 — Дунё харитаси олдида, 22.10 — Собир Абдулла шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар, 23.10 — Эстрада концерти.

Телевидение

1 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Ку-ка-ре-ку** (болалар учун), 12.15 — **Ажойиб дарахт** (телеинсценировка), 12.35— **Пионерия** киножурнали, 12.45 — **Киприниклар, Фурци—Луна** (ҳужжатли фильмлар), 13.05 — **Андрей Петров қўшиқлари.**

Ўзбек тилида: 13.35—**А. Юсупов: Доимий двигатель сири** (мактаб ўқувчилари учун телеинсценировка), 14.05 — **Мамлук** (бадиий фильм), 18.00 — **Кичик Кубус, нелажан мактаби** (болалар учун), 18.40 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 18.55 — **Телевизион янгиликлар,** 19.10 — **Қора мушук** (илмий-оммабоп фильм), 19.20 — **Киножурнал** ва **Бальзаминовнинг уйланиши** номли кинокомедия.

20.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

21.00 — **Пўлат магистраль нишилари** ва **Концерт** (ўзбек, рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/VIII да кундуз **Этик кийган Мушук, кечқурун Мирандолина,** 3/VIII да **Травиата.**

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА — 1/VIII кеч соат 9 да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** ва солист **Олмахон Ҳайитова** иштирокида **Хоразм ансамблининг концерти.** Касса кундуз соат 1 дан очилади.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Мафтуннор Десна (кенг форматли рангли фильм, кундуз ва кечқурун). **Темир ниқоб** (эрталаб соат 11 ва кеч 9-20 минутда — САНЪАТ САРОЙИ.

Балет юлдузи — «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (1-зала), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Тинч кунлар — «ДРУЖБА» (2-зала), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11-40, кеч 8-20 минут ва 10 да).

Улуғ Ватан уруши — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-20, 3-40 минут ва кеч 6 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 9 ярим, кундуз 12 ва кеч 8 да).

Она ва ўғай она — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 ва кеч 10-40 минутда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч 8 ва 10 да).

Қийшиқ ойналар короллиги (эрталаб соат 10 да), **Севги ва кўз ёши** (кундуз ва кечқурун) — «ЧАЙКА».

Ҳужум — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Лушка — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қора кўзойнак — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Машаққатли довон—«СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Бўлинган учиш — «ВОСТОК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Муюлишдаги хона — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да бошланади)

Балет юлдузи — «ФЕСТИВАЛЬ».
Лушка — КАФАНОВ номли.
Тинч кунлар — «ХИВА».
Ноль уч — «САЛЮТ».
Тўрт йўл — «ВАТАН».
Ҳужум — «1 МАЙ».
Криница қишлоғи—«УДАРНИК».
Қора кўзойнак — ТЕЛЬМАН номли.
Улуғ Ватан уруши — НАВОИЙ номли.
Она ва ўғай она—«ПАХТАКОР».
Бўлинган учиш — ПУШКИН номли.
Салбчилар — СТЕПАН РАЗИН номли.
Тоғлиқ қасоскорлар — «РАКЕТА».
Каин XVIII — «ОҚТЕПА».



ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!
МАМЛАКАТИМИЗ «СОЮЗПЕЧАТИ»НИНГ 20.000 КИОСКАСИДА ЎЗИНГИЗ ВА ОИЛАНГИЗ ЎЧУН

ДОИМ ҲАР ХИЛ ГАЗЕТАЛАР БОР:

«Правда», «Известия», «Красная звезда», «Водный транспорт», «Гудок», «Лесная промышленность», «Литературная газета», «Медицинская газета», «Сельская жизнь», «Советская культура», «Советская торговля», «Советский спорт», «Советский патриот», «Строительная газета», «Труд», «Учительская газета», «Экономическая газета», «Советская Россия», «Пионерская правда», «Комсомольская правда»,

шунингдек республика, ўлка, область ва район газеталари.

Газетанинг янги сонини сотиб олиш эсингиздан чиқмасин!

«Союзпечать»нинг Марказий чанана агентлиги.

«СРЕДАЗГИПРОВОДХОЗ»га

старший ва группа инженерлари вазифасида ишлаш учун: қурилиш материаллари ва ремонт корхоналари бўйича технолог-инженерлар, теплотехниклар, сув таъминоти ва канализация инженерлари

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Полиграф кўчаси, 1-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

БУТУНИТТИФОҚ ТРИКОТАЖ САНОАТИ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА

трикотаж ишлаб чиқариш технологияси, толали материаллар нинг химик технологиясига доир инженерлар ва техниклар, тўқимачилик саноатининг экономист-инженерлари, хўжалик мудири, кассир-ҳисобчи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе кўчаси, 27-уй. Телефон 3-46-88.

2-Бехтерев кўчаси, 59-уйда турувчи Лидия Петровна Кустованинг Университет кўчаси, 3-уй, 10-квартирада турувчи Валерий Николаевич Кустовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Гвардейская кўчаси, 59-уй, 11-квартирада турувчи Яков Моисеевич Соловейчикнинг шу уйда турувчи Инесса Львовна Лейбовичдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Тарас Шевченко кўчаси, 31-уй, 19-квартирада турувчи Нуъмон Юнусовнинг Ойматоа шаҳар, Дежнев кўчаси, 33-уй, 3-квартирада турувчи Роза Убайдуллаевна Юнусовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Калинин районидаги «Ўзғариш» совхозида турувчи Владлен Дмитриевич Моторновнинг Сочи шаҳар, Фадеев кўчаси, 6-уйда турувчи Нина Федоровна Моторновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши —33258. Қишлоқ хўжалик—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

№ В. 178. ИНДЕКС 64543. Р. 04060.